


ЮСТЫГА


ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ

12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 6 октябрь, пайшанба • 40 (3621)-сон



# БИЗ СИЗГА ИШОНАМИЗ!



## Азиз футбол мұхлислари!

Яна иккى кундан сүнг, яни 8 октябрь куни футбол оламида катта шов-шувга айланып кетган воқеа сабаб қайта ўтказилаётган учрашувга гулоқ бўламиз. 2006 ўши Германияда ўтажак Жаҳон чемпионатига ўйланимани қўлга киритиш учун ҳаракат қиласётган Ўзбекистон ва Баҳрайн терма жамоалари Тошкентда яна бир бор баҳлашадилар.

Шу куни Марказий "Пахтакор" стадиони Сиз, азиз мұхлислар олқишидан ларзага келишига ишончимиз комил. Қувайт билан учрашувимизда айнан сизнинг қўллаб-қувватлашингиз футбольчиларга қўшимча куч бағишилганни ҳам ҳақиқат.

Шу ўринда меҳмондўстликни азал-азалдан жойига қўйиб келган юртдошлиаримизга қаратса айтмоқчимизки, ҳар қандай вазиятда ҳам ортиқча эҳтиосларга берилмасдан, жамоамизни сид-қидилдан қўллаб-қувватлайлик! Бизнинг ҳар битта чиройли далдамиз уларга мадад бўлишини аниқ. Шундай экан, стадиондаги ҳар қандай тартиббузарлик терма жамоамиз зарарига ишилашини асло унумтайлик. Биз шундай мұхлислик қиласайликки, якунда терма жамоамиз галаба қозониб, жавоб учрашувига кўтаринки руҳ билан жўнасинлар. Омад сизга ёр бўлсин, азиз футбольчилар!



## УШБУ СОНДА:

### ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАДАН БОШЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти раҳбарияти ташаббуси билан республика Ички ишлар вазирлиги тизимидағи хизматлар мутасадидлари иштирокида "Бевосита мулоқот" ташкил этилаётганидан муштарийларимиз яхши хабардор. Паспорт тизимидағи муаммоларга оид аввалги мулоқотда фуқароларимизни кўплаб саволлар қизиқтираётганинг гувоҳи бўлдик. Шунинг учун ҳам ижодий жамоа бу борадаги ишларни давом эттиришга аҳд қилди...

**10,15**

## МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳриритида ("Постда" ва "На посту" газеталари) 11 октябрда — сеъшанба куни соат 10<sup>00</sup>-дан 13<sup>00</sup>гача гиёҳвандлик моддаларининг тарқатилишининг олдини олиш ва гиёҳвандликка қарши кураш масалалари багишиланган бевосита мулоқот бўлиб ўтади. Бевосита мулоқотта Республика ИИВнинг шу соҳа билан шугулланувчи етакчи мутахассислари ва Тошкент шаҳар наркология диспансери ходимлари таклиф қилинган.

Мулоқот иштирокчиларига қўйидағи телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 132-05-51, 139-70-40, 133-61-64. Саволлар олдиндан ёзма равишда ҳам қабул қилинади.

Манзилимиз: 700029 Тошкент шаҳри, Ю. Ражабий кўчаси, 1.

Мўлжал: метронинг "Космонавтлар" бекати.





**Бугунги кунда мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш, айниқса, халқимизни терроризм ва диний-экстремизм ҳавфидан асрашда ички ишлар идоралари тизимидағи жиноят қидириүв хизмати зымасига масъулиятли вазифалар юклатылган. Соңа ходимлари ана шу оғир ва мураккаб вазифаларни шараф билан ундағы, фидойилук ва жасорат намуналарини күрсатмоқдалар. Бинобарин, мазкур хизмат ташкил топған кунни юртимизда барқарорлық ва фуқаролар ҳавфисилигии тағынлаш, қонунчилукни мустаҳкамлаш, содир этилган жинояттарни ўз вақтида фош этиши борасыда муносиб ютуқлар билан күтиб олишаепти. Күйіда әထиборингизга ҳавола этилаётган саҳифадан ўрин олған материаларда ана шу машиқатты касб әгаларининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилинаади.**

## МАҲОРАТЛИ ИЗҚУВАРЛАР

Спорт – тинчлик элчиси, деймиз. Қатор спортчиларимиз юртимиз байробини баланд күтариб, мамлакатимиз довругини оламга ёйишмоқда. Ағасуски, шундай спортчилар ҳам борки, улар жиноят йўлига кириб асосан аёлларга қўл кўтариб найинки ўзлари, балки ўзбек халқининг эр йигитлари шаънига ҳам иснод келтиришапти....

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари бир гуруҳ жиноятчилар томонидан кўчаларда аёлларга нисбатан содир этилган босқинчилик ва талончиликларни ҳали унтишгани йўқ. Тўғри, барча жиноятчилар кўлга олинди, қўлмишлари фош этилди. Лекин унбу жиноятчиларни кимлар содир этганини юртдошларимиз билиб қўйишсан, деган мақсадда Тошкент шаҳар ИИБда бўлдик.

Тасаввур қилинг, келишган, бақувват, спорт кийимидаги йигит эрта тонгда бадантарбия билан шуғулланиб, юргани чиқди. Буни ҳеч ким қораламайди, ҳатто ҳавас қиласи ҳам. Аммо у спорт билан машғул бўлиши аноссида хаёлида шум ниятни амалга оширишни туғиб қўйган

бўлса-чи? Ана шу ҳақда кўпчилик ўйлаб кўрмаган. Мазкур жиноятни фош этган изқуварлар ўз маҳоратларини намоён этиши, десак муболага қўлмаган бўламиш.

– Бир шаклдаги бундай жиноятлар Учтепа, Шайхонтохур ва Сирғали туманларида кетмакет содир этилди, – дейди биз билан сұхбатда Тошкент шаҳар ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Мирғолим Каримов. – Тезкор ходимларимиз шаҳар бўйича кеяю-кундуз сурештирув ва қидириүв ишларини олиб бориши. Жабрланувчилар, жиноят содир этилган худуд атрофида истиқомат қилиувчилар билан ўтказилган сұхбатлар ҳамда ўзимизда мавжуд бўлган тезкор маълумотларга таяниб, гумон қилинган шахсларни қатъий кузатув остига олдик. Тезкор ходимларимизнинг тажрибаси ва чуқур мушоҳада юритиб иш тутишлари натижасида унбу жиноятни гуруҳ кўлга олинди. Улар қўлмишларини тан олиши, жабрланувчилар улар билан юзлаштирилганда, енгил тин асносида хаёлида шум ниятни амалга оширишни туғиб қўйган

как бўлмай кет-э” деб айтишача бориши.

Унбу жиноятни фош қилишда жонбозлик кўрсатган ЖК, ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, майор Даврон Мадаминов, ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакил, майор Нисанбек Қорабоев, тезкор вакил, капитан Диляш Жалилов, Учтепа тумани ИИБ ЖК ва УЖККБ тезкор вакили, катта лейтенант Абдулазиз Ортиқовларнинг номларини алоҳида таъкидлашни истардим. Мана шу ходимларимизнинг беҳаловат тунлари ва жиноятни таҳлилига әтибор қаратгандарни эвазига пойтахтимизда анча шов-шувга сабаб бўлган спортчи-босқинчилар шармандаларча фош этилди.

Дарҳақиқат, аёлларга қўл кўтариш эркакнинг ишими? Яна орқадан келиб аёлнинг бошига

## ШУНДАЙ ХИЗМАТ БОР

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

Боготлик С. Сайдмуса кексайиб қолган. Инсон бу ёшда ёшларга тарбия берниш, йўлдан адашганларни тўғри йўлга солишга ҳаракат қиласи. Аммо С. Сайдмуса отанинг содир эттан қинғир иши ҳеч бир мўйсафидга хос эмас. Хоразм вилояти ИИБ ва Богот тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган “Қордори – 2005” тадбирида қариянинг ўз томорқасида 1216 туп кўкнори ўстираёттани аниқланди.

\*\*\*

Илгари судланган К. Фозил Урганч шаҳрини бедарвоза деб ўйлаб қаттиқ янгишиди. У марказий деҳқон бозорида Хива кўчасида яшовчи Саломат Ҳайитованинг сумкасидан аёллар ва эркаклар соати, 9,5 минг сўм пулини ўмарди. Бироқ ўғри узоққа кетолмади. Уни зимдан кузатиб юрган ички ишлар ходимлари тезда кўлга олиши.

\*\*\*

Бундан иккى йил аввал Урганч тумани Чолишибонида яшовчи, 43 ёшли Ш. Кенгаши суд залида қилган жиноятини кечиришларини сўраб, кўз ёши тўкканди. Унга ишонч билдириб, кечиришиди. Аммо Кенгаши бу яхшиликнинг қадрига етмади. У Хоразмий номли ширкат хўжалиги дала шийпонидан 2 та эшик ва сув насосини ўгирлади. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида унбу анжомлар Кенгашининг уйидан топилиб, далилий ашё сифатида олини.

\*\*\*

Беҳаёнинг бети курсин. Хива тумани ИИБ ходимлари Янгиобод маҳалласида яшовчи П. Жумагул хонадонида “ошиқ-маъшуқ”лар учун шароит яратиб бергаёттанидан вокази бўлишиди. Бу гал уйига X. Ниёс ва F. Сарвараларни киритган аёл сувдан қуруқ чиқиб кетолмади. У бу қўлмишига яраша жавоб беради.

\*\*\*

Урганч тумани Охунбоев номли ширкат хўжалиги яшовчи Ё. Улугбек гарб фильмларидаги жангариларга ўхшагиси келиб қолди. Кўчада дуч келган одамини уриб, қўрқитиб, бор-будини шилиб кетаверди. Бироқ қонун бундай ҳатти-ҳаракатларига изи бермаслигини унудди. Улугбек тадбиркор Санжар Сапаевни кўрқитиб, “Дамас” русумли автомашинасини тортиб олди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида босқинчи кўлга олини.

\*\*\*

Сафарали ОМОНТУРДИЕВ,

майор.



**УНИНГ ҲАЁТИДАН БИР ЛАВҲА**

Унинг зымасига юят масъулиятли вазифа юклатилган. Огуфурушлар тўдаси орасига киши, уларнинг кирдикорларини фош этиши керак. Бу эса мардлик, жасурлик ва касб маҳорати талаб этиди. Акс ҳолда топшириқ барбод бўлиши, жиноий гуруҳ яшириниши, изини йўқотиши мумкин.

Майор Эшдавлат Турсунов тезкор гуруҳ раҳбари сифатида қалтис вазифани зымасига олганди. Бирой давомида тайёргарлик ишлари борди. Ниҳоят унинг “Босс” билан учрашадиган вақт етди. “Босс” деганлари тўладан келган, полвонсифат одам экан. Кўрс ва чўртка-сарлигини илк муомаласидан олиши қўйин эмас эди. У харидор бўлиб келган “Мурод чўлоқ” қа зўрга кўл бериб сўрашибди. “Мурод чўлоқ” молнинг нархини сурештирган эди “Босс” тутоқиб кетди.

– Нархини “Маймоқ” айтмадими, – деди у вазмин оҳангда. – Сифатига кафолат бераман. Асл мол.

– Ака, биз ҳам нонталаб. Бола-чақа деңгандай. Ултуржи савдога чегирма бўлади.

– Айтилганидан беш юз кам бера қол!

Улар нарх устида анча тортишдилар. “Мурод чўлоқ” гапни атайнин чўзарди. Чунки тезкор гуруҳга ҳали сигнал бориб етмаганди. Вақт ўтказиш учун ҳар бир қалоқланган ге-роинни алоҳида алоҳида тортиб кўрди. Сифатини синчиклаб кўздан кечирди. “Кўки”-нинг ҳам бир қисмими бериб, қолганига пули етмаёттанини айтди. Шу пайт рўпарада “Жигули” машинаси кўринди. Унга “тўхта” ишорасини қилдилар. “Мурод чўлоқ” ҳайдовчига 5000 АҚШ доллари олиб

келишни буорди. Бу операция бошланганинга ишора эди.

Тезкор гуруҳ аввали “Босс” билан “Мурод чўлоқ” ўтирган машинадагиларни, ке-

кўздан кечирилганда яна ўн килограмм оғуборлиги аниқланди.


Майор Эшдавлат Турсунов фуқаролар, жамоатчилик билан ишлар, ҳамкорликни йўлга кўйиш, жиноятчилар ва жиноий гуруҳлар фаолиятини чуқур ўрганиш, таҳдил этишга эринмай вақт сарфлайди. Жиноятни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш, у жиноятчилукнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда бой тажриба тўплаган. Бу эса содир этилган оғир жиноятларни очишни кўл келаяти.

Касби тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, майор Эшдавлат Турсуновнинг таржимаи ҳоли қисқа. Отаси оддий косиб эди. У ҳарбий хизматдан қайтгандан кейин Тошкент Олий милиция мактабига ўқишига кирди. Ички ишлар бўлимида оддий ходим, профилактика инспектори, эксперт-криминалист, жиноят қидириүв бўлими тезкор вакили, бўлим бошлиғи, туман ИИБ бошлиғи ўринбосари ва бошқа лавозимларда хизмат қилди.

Эшдавлат Турсуновнинг жиноятчиликка қарши кураш, эл-юрт осойиштарилиги йўлидаги хизматлари муносиб тақдирланмоқда. Яқинда унга полковник унвони берилди.

Сафарали ОМОНТУРДИЕВ,

Вашингтон яқинида бўлиб ўтган округ суди мажлисида кўплаб тележурналистлар ҳозир бўлишиди. Унда Пегги Сью Хилтнинг иши кўриб чиқилиши керак эди. Аёл асрар олган қизи Нина Хилтни уриб ўлдирганинда айблана-япти. Қизалоқнинг асл исми Виктория Баженова бўлиб, у илгари Россиянинг Иркутск шаҳридаги болалар уйида тарбияланарди.



## ҚИЗАЛОҚНИНГ ҚОТИЛИ

Суд мажлиси техник хусусиятга эта бўлиб, қисқа мuddат давом этди. Унда илк бор Пегги Хилт иштирок этди. Айбланувчанинг айби исботланса, у 40 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Аёл шу пайтагча Виржиния штатидаги ҳисбонада сақланган. Адвокати Билл Стивенснинг айтишича, психиатрлар уни соғлом, ўз хатти-ҳаракати учун жавоб берга олади деб топишди. Суд жараёни келаси йил баҳоргача чўзилиши мумкин. Амалиётнинг кўрсатишича, ўшанда ҳимояси остидаги шахсга нисбатан ҳукм юмшоқроқ бўлиши мумкин эмиш.

33 ёшли Хилт "Хилтек" ком-



пьютер фирмаси президенти бўлиб, украиналик яна бир қизни ҳам асрар олганди. Ҳозир бу қиз маҳаллий васийлик идоралари қарамоғида.

Шу йил ёзида Пегги Сью эри ва асранди қизи Нина билан Манассасага – қариндошларининг келган эди. Аёл полицияга берган кўргазмасида тан олишича, шу куни асрар олган қизининг ўзини тутишидан жаҳли чиқкан. Уни аввал силталаған, кейин полга йиқитиб, қорнига урган. Сўнг каравотта ётқизиб, калтаклашда давом этган. Бола нафас олишдан тўхтагач "Тез ёрдам" чақириган. Қизалоқ касалхонада вафот этган. Аввалига Хилт уни зинапоядан йиқилиб тушди деб ёлғон кўргазма берган. Аммо шифокорлар мархуманинга танида калтаклаш излари борлигини полицияга маълум қилишган.

## «ЛУВАН» КУРСАНТЛАРНИ ОҚИЗИБ КЕТДИ

Яқинда Хитойнинг жануби-шарқий қирғозларига "Луван" тўғони ёғилди. Натижада Фуцзян провинциясида ҳарбий академиянинг 61 нафар курсанти бедарак ўқолди. Баъзи маълумотларда бу рақам 59 нафар деб кўрсатиляпти.

Воқеа кўйидагича юз берди. Сел оқими таълим муассасасининг ётоқхонасини вайрон қилди. Бино ичидаги курсантларни ҳам дарёга оқизиб кетди. Ҳозир фожиа юз берган туманда кенг миёғсли кутқарув ишлари давом этяпти. Унда ҳарбийлар ва кўнгиллилар иштирок этишмоқда. Мамлакат раҳбарияти бу борада амалга оширилаётган ишларни қатъий назорат остига олган.

"Луван" тўғони Тайвань ороли ва XXRнинг шарқий қирғозларига якшанба куни кечки пайт етиб келган эди. Табии оғат юз берган худудлардан 300 мингдан зиёд одам кўчирилди. Шунга қарамай камиди уч киши тўғон туфайли ҳалок бўлди. Жами 50



киши жабланган. Уларнинг кўччилиги ойна синиқлари тегиб жароҳат олган. 5,4 мингта яқин ўй вайрон бўлган, бир қатор туманларда электр таъминоти узилган. Даствлабки маълумотларга қараганда, етказилган зиён 150 миллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

## ХУНРЕЗЛИК

Шанба куни Индонезиядаги курортда содир этилган террорчилик ҳаракатининг даҳшатли тафсилотлари энди оидинлашмоқда. Бали оролидаги учта ресторандан деярли бир вақтда юз берган портлашлар, сўнгги маълумотларга кўра, 26 кишини ҳаётдан олиб кетди. 122 одам эса турли даражада яраланди. Ҳалок бўлганлар ва жабрланганлар орасида австралийлик, американлик, кореялик ва япониялик сайджлар бор.

Мамлакат аксилтерор идораси вакили, генерал-майор Аншад Мбаининг фикрича, хунрезликни "Жамоа Исломия" террорчилик ташкилоти аъзолари содир этган. Бу ташкилот Жануби-Шарқий Осиёда ислом давлати ташкил этишга интилмоқда. Ўз мақсади йўлида "Ал-Қоида" ташкилоти билан яқин ҳамкорлик қиласи. Баъзи эксперталар "Жамоа Исломия"ни "Ал-Қоида"-нинг Индонезиядаги шохобчаси деб ҳам ҳисоблашади.

Террорчилар яна хурж қилишлари эҳтимоли бор. Мамлакат президенти фожиа юз берган жойда бўлганида қўпорувчилар ана шу ниятда эканлигини таъкидлади. Мутахассислар ҳали ҳаракатга келтирилмаган бир неча портловчи қурилмани заарасизлантиришиди. Полиция тўла жанговар ҳолатга келтирилган. Сайджлар эса бу курортни шошилинч тарқ этишти. Кўплаб мамлакатлар курбон бўлганларнинг оиласирига ҳамдардлик билдиришди. Австралия Бош вазирининг фикрича, содир этилган террорчилардан қўзланган мақсад аҳоли орасида Индонезия ҳукуматига ишончсизлик түғдириш.



## ПЎРТАНА ҲАМОН ТИНЧИМАЯПТИ

Табии оғатлар Америка китъасини забтига олишда давом этяпти. Ҳозирча АҚШ бир оз нафасини ростлаяпти. Аммо энди Марказий Американинг навбати келганга ўхшайди. Ушбу ҳудуддаги мамлакатларга "Стэн" номли тропик пўртана ёғилди. Унинг оқибатида ҳозиргача қирққа яқин киши нобуд бўлди.

Айниқса, Сальвадор кўп жабр кўрайти. Бу ерда ҳалок бўлганлар сони 23 нафарга етди. Мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Илгарироқ вулқон отилиши туфайли ушбу давлат ҳали бутунлай ўзига келиб улгурмаган эди.

Расмий маълумотларга қараганда, юзлаб ойлалар сув тошқинидан паноҳ тошиш учун ўй-жойларини ташлаб кетишган. Ҳокимият вакиллари вазият ниҳоятда шураккаблигини ётироф этишмоқда.

Мексиканинг "Пемеке" давлат нефть-газ компанияси ўз ходимларини ҳавф остида қолдирмаслик учун ўзиник билан қунириш интишини бошлали. Ҳозиргача 270 нафар нефти ҳавфсиз жойларга кунирилди. Экспертларнинг фикрича, бу нефть нархларига таъсир этиши мумкин.



## ҚУРБОНЛАР БОР

Ҳиндистонда ишрик темир ўйл ҳалокати юз берди – ийловчи поезд изидан чиқиб кетди. Маҳаллий полициянинг маълумотига қараганда, ўн олти киши ҳалок бўлган. Жароҳат олганлар сони 150 нафардан ошиди. Уларнинг 40 дан зиёди оғир аҳволда. Жабрланганлар сони яна ошиши кутиляпти.

Ҳиндистон телевидениеси на-мойиш этган репортажга кўра, ҳодиса Бхопала шаҳридан 400 км шимолда юз берган. Тезорар поезднинг локомотиви ва олтига вагон номаълум сабабга кўра издан чиқиб кетиб, катта тезлик билан сигнал узатиш кабинасига урилган.

Воқеа жойида кутқарувчилар ва уларга ёрдам бериш учун етиб келган ҳарбийлар иш олиб боришиди. Улар жабрдийдаларга вагондан чиқиб олишларига қўмаклашиб, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишиди.

Полиция ҳодиса сабабларини текширишга киришди. Экспертларнинг фикрича, поезднинг тормоз тизими ишламай қолган бўлиши мумкин. Эслатиб ўтамиш, шу йил апрель ойидаги мамлакатнинг Гужарат штатидаги Яна 54 киши турли даражада тан жароҳати олишган.



## ТАФСИЛОТЛАР ЎРГАНИЯПТИ

Теплоходда кўл бўйлаб сайджларни кайфиятни кўтариши. Аммо ҳаётининг кўрсатишича, бу баъзи фожиали якун топиши ҳам мумкин экан. АҚШнинг Нью-Йорк штатидаги Жорж кўлида катерда сайджларни кайфиятни кўтариши. Аммо ҳаётининг кўрсатишича, бу баъзи фожиали якун топиши ҳам мумкин экан.

Аввалига ҳалокат сабаблари номаълум эди. Ҳозир эса катер яқинидан сузиб ўтган теплоход таъсирида кўтарилиган тўлқин туфайли ағдарилиб кетган деган таҳмин илгари сурялашти. Расмий маълумотларга кўра, ҳозиргача 29 нафар ийловчи кутқазилиб, шифохонада уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилган. Компания раҳбари барча ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиридаги ва юз берган фожиа дея баҳолади.



## ФОЖИАЛИ ПАРВОЗ

Иорданияда мамлакат Ҳарбий ҳаво кучларининг ўқув парвозлари амалга оширилаётган эди. Машқлар чоғида осмонда икки самолёт тўқнашиб кетди. Оқибатда икки учувчи ҳалок бўлди. Воқеа тафсилотлари ҳозирча хабар қилинмаяпти. Иордания армияси вақилларининг айтишича, ҳодиса маҳаллий вақт билан соат 9.15 да юз берган. Ҳозир ҳаво кемаларининг Ҳамидийа аэропорти ўрғаниляпти. Фақат ҳар иккала самолёт ҳам Испаниянинг "Kasa" компанияси томонидан ишлаб чиқилган ўқув моделлари эканлиги аниқ.

Мамлакат ҳарбий авиацияси билан боғлиқ сўнгти фожиа бундан икки йил аввал юз берган эди. Ўшанда икки кун оралигида иккита ҳарбий самолёт қулақ тушганди. Бахтсиз ҳодисага техник носозликлар сабаб бўлиб, ҳар иккала ҳолатда ҳам учувчилар ҳалок бўлишганди.



# ТАЪЛИМ – МИЛЛАТ ТАРАККИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Муболагасиз айтиши мумкинки, бизнинг келажаги-  
миз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрниизга ким ке-  
лишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тай-  
ёрлашимизга боғлиқ.*

*Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга  
ошириш, ҳаётга татбиқ этиши, ҳеч бир муболагасиз,  
стратегик мақсадларимиз – фаронон, қудратли, де-  
мократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо  
этишимизнинг асоси бўлмоғи зарур.*

Ислом КАРИМОВ.

Қайси бир давлатда таълим-тарбияга, етук кадрлар тайёрлашга эътибор берилса, ривожланиш илдам боради. Буни бир қатор йирик, тараққий этган мамлакатлар мисолида кўриши мумкин. Халқ хўжалиги тармоқларини мустаҳкам билимли, изланувчан, тажрибали мутахассислар эгаласа янгиликлар яративади. Ишлаб чиқаришдаги янги технологиялар эса истиқболга хизмат қиласди.

Давр шийдат билан олга бормоқда. Ҳар бир соҳада ривожланиш, тараққиётта эришиш учун етук кадрлар зарур экан, биринчи галда таълим тизимиға эътиборни кучайтириш керак бўлади. Замон кадрлар тайёрлашда бутунни эмас, эртанги ва ундан кейинги кунларни ўйлаш, режалаштиришина тақозо этмоқда.

Ана шуларни ҳисобга олиб мустақилликнинг дастлабки йилларидаёт, республикамизда таълим тизимида ислоҳотлар ўтказишга киришилди. Тоталитар тузумдан қолган мактаб, олий ўкув юртлари давомчилари тайёрлашда ишлаб чиқарилди. Бу борада илгор давлатлар тажрибасидан ўрганилди.

Мамлакатимизда таълим ва тарбиянинг устуворлигига эришиш мумкин вазифалардан бирига айланган. Бунда илгор давлатлар тажрибасидан ўрганилди.

Табиат инсонга бебаҳо неъматлар ато этган. Бироқ биз унинг қадрига етмай аёвсиз муносабатда бўлаётганимиз боис қатор муаммолар келиб чиқяпти. Ер куррасининг қайси бир жойида жоноворлар қирилиб кетаётган бўлса, асрлар давомида суви чайқалиб турган денгиз кўз ўнгимизда куриб боряпти, ям-яшил ўлоқлар ўринини кум босмоқда. Ана шундай бутунжаҳон миқёсидаги зарур масалалардан бири озон қатламининг сийраклашиб кетаётганидир.

Аввало, озон қатлами ва унинг табиатдаги вазифаси нима эканлиги ҳақида иккига оғиз сўз. Озон куёшдан тушадиган нурларни тозалаб турди, жўнроқ қилиб айтсак, элак вазифасини ўтайди. Энг муҳими, инсон, умуман жонзорлар, ўсимлик дунёсини кўшнинг ультрабинафша нурдан аспайди. Озон ер юзидан 15-45 километргача бўлган баландликда мавжуд бўлади. Ер юзида озон пайдо бўлганда кейинтина ўсимликлар ўсиб, жонзорлар ҳаёт кечира бошлаган. Агар унинг қатлами қисиб, жинсланса атиги 3 милиён қатламидаги кўриниш олиши мумкин. Шударажадаги сийрак қатлам ер юзида ўсимликлар ва жонзорларнинг асосий ҳалоскори хисобланади.

Ўтган XX асрнинг иккичи ярмидан кейин ўсимликлар, инсон ва бошқа жонзорлардаги айrim касалликлар атмосферада озон моддасининг сийраклашиб бораётганидан пайдо бўлаётгани аниқланди.

Табиатда озон моддаси кўёш нури фильтрланиши жараёнда камаяди, лекин

басидан ўрганиш билан бирга ёшлигимиз хорижий давлатлардаги нуфузли олий ўкув юртларида ўқиши, малакасини оширишига катта эътибор бериляпти. Ёш мутахассисларимиз таникли чет эзлик олимлар раҳбарлигидан илмий изланишлар олиб бораётганини айтиб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг олий ўкув юртларида ҳар йили кўплаб мутахассислар тайёрланяпти. Шу билан бирга ёш илмий ходимлар етук олимлар раҳбарлигидан янгиликлар яратиш учун изланишпти. Бу борада ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида амалга оширилаётган ишларни таъкидлаб ўтиш ўринли.

Бугун яратилган, ҳаммани лол қолдирган янгилик вақт ўтиши билан оддий нарсага айланни қолиши мумкин. Чунки ундан ҳам мумкаммал ихтиrolар кашф этилиши шубҳасиз. Шу боис изланувчан, илмга чанқоқ, журъатли ёш кадрларни қўллаб-куватлаш, зарур бўлганда ёрдам бериши уларнинг истиқбоглига замин бўлади.

Соф танда соғ ақл, деган нақл бор. Жисмонан бакувват инсоннинг акли теран бўлади. Шу сабабли мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланган. Айниқса, болалар, ўсмиrlar, ёшларни спорта жалб этиш мақсадида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами кенг. Ҳар бир мактаб, лицей, коллежларда қишки, ёзги спорт майдончаларининг бўлиши, жисмоний тарбия дарсларидан ташқари спорт тўғараклари ҳам мунтазам фаолият кўрсатишни ташминлаш назоратга олинган.

Маълумки, кейинги пайтда ди-



ний-экстремистик оқимларга мансуб шахслар баразли мақсадларини амалга ошириш учун кўпроқ ўсмирлар ва ёшлардан фойдаланишга ҳаракат қилишагапти. Шундай экан, ўсмир ва ёшларнинг онги заҳарланишига йўл қўймасдан, соглом фикрловчи, ақли теран инсон бўлиб вояга етишлари учун дарсдан бўш вақтларда уларни спорт машгулотларига жалб этиш муҳимdir.

Жамият ҳаётига мунтазам равишда мағкуравий таҳдидлар хавф солиб туриди. Халифаликни тиклаш, асрлар давомида давом этиб келаётган миллий қадриятларни соҳталаштириш, тарихни бузиб кўрсатишга уриниш, ахлоқсизлик фояларини ёйиш, турли мағкуравий воситалар орқали миллатлар, минтақалар, давлатлараро можароларни кептириб чиқариш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бундай тажовузкор мағкуралар одамлар онгини заҳарлашга, улар-

ларидаги қўлланилаётган, озон қатламини емируви деб эътироф этилган моддалар ўрнига бошқа, экологига зарарсиз бўлганларини тадқиқ этиши ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш асосай масалага айланган. Ўзбекистонда ҳам ана шу йўлди муайян ишлар олиб борилмоқда. Бунинг учун Халқаро глобал экологик жамғарма томонидан Ўзбекистонда озон қатламига безарар технологияларни қўллаш учун 3,3 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ ажратган. Озон қатламини яширувчи моддалардан фойдаланишни камайтириш, янги технологиялар ишлаб чиқишиб мақсади кўзланган лойиҳалар тайёрланди. Бу борада изланишлар давом этиши. Масалан, Самарқанддаги "Сино" заводининг музлаткичлари учун иккига турдаги хлорфоторуглерлар ишлатиларди. Уларнинг ўрнига янги озон қатламига безарар бўлган моддалардан фойдаланиш йўлга кўйилди.

Республикамиздаги йирик музлаткич омборларидаги ҳам шу усул жорий этилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Озон қатламини асраш шунчаки мавсумий иш эмас. Бу жаҳон миқёсida жиддий эътибор берилётган вазифалардан бири. Модомики, ер юзида ҳаётнинг барқарор давом этиши учун озон қатлами зарур экан, уни эътиётлаш, ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Фарҳод САЙДИЕВ,**  
республика Табиати мухофаза қилиши давлат  
қўмитаси озонни  
емирувчи моддаларни  
алмаштирилишини  
бошқарни оғиси ходими.

## ОЗОН МУАММОСИ ВА ТАБИАТИНЖИКЛИКЛАРИ



Шу ўринда айнан озон қатламининг сийраклашиб өзирилиши сабабларига ҳам тўхталиб ўтсак. Юқорида айтиб ўтилган хлорфоторуглерлар, бромфоторуглер, галогенуглероднинг баъзи турлари озонни аёвсиз емиради. Табиат эса йўқолган зарур маддалардан ўрнини тўлдирига олмаётганлиги аниқланди.


Озон қатламининг сийраклашиб өзирилиши оқибатида қўёшдан келаётган ультрабинафша нурлар ўсимликларга, инсонларга, жонзорларга катта салбий таъсири кўрсатади. Экинларнинг ҳосилдорлиги камайиб кетади. Ўсимликлар дунёси касалланиб, ривожланиши сусайди. Инсонларда иммунитетни, яъни қасалликка қарши курашувчаникни сусайтиради. Бу эса организмга турли қасалликларнинг юқиши ва ривожланишини кучайтиради. Масалан, Австралиядаги кейинги йилларда ўсимлирлар ва катта ёшдаги кишиларда тери саратони касаллиги кўпайиб боряпти. Ҳатто ультрабинафша нурларден гиздаги балиқларга ҳам ўт таъсирини ўтказиши мумкин экан. Қисқа қилиб айтганда, озон қатламининг камайиб бориши умуман ер юзида катта бир ҳалокатга олиб келади. Шунинг учун ҳам бу масала бутун дунёда глобал муаммога айланниб қолди.

Бошлангач, озон қатламини кучайиб борди. Олимларнинг сабъ-ҳаракати туфайли озон қатлами сийраклашиб бораётганини ҳақида мумкаммал фикрлар амалий исботини топди. Ана шундай келишингина бутун оламга озон қатламини ҳимоя қилиш ташаббуси ёйилди. Дастандаги айнан шу масала юзасидан Вена конвенцияси таъсирини көрсатади. Монреал Протоколи имзо топди. 1998 йилда Протоколга киритилган Лондон ва Копенгаген ўзгаришларини ратификация қилди. 2000 йилда республика Вазирлар Маҳкамаси "Ўзбекистон Республикасининг озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро битимлар доирасида олган мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарор қабул қилиди.

Бу масалага республика музлаткичлари

риялти. Ўзбекистон озон қатламининг сийрилиши глобал хавф эканини тушунган ҳолда 1993 йилда Вена конвенциясига аъзо бўлди. Монреал Протоколи имзо чекди, 1998 йилда Протоколга киритилган Лондон ва Копенгаген ўзгаришларини ратификация қилди. 2000 йилда республика Вазирлар Маҳкамаси "Ўзбекистон Республикасининг озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро битимлар доирасида олган мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарор қабул қилиди.

Хозирги кунда халқ хўжалигининг турли соҳа-



# ОТАЛАРИ ИШИННИГ ДАВОМЧИЛАРИ

**Эгниларидаги кийимлари ўзларига ярашган, шахдам қадамлар билан сафда бораётган курсантларни кўрган кишининг кўзи қувнайди. Ҳозирда бир оила фарзандларидек яшаб, аҳилликда билим олаётган бу ўёлонлар келгусида оталари каби жасур, Ватани, ҳалқини ҳимоя қиласидан муносиб ўринбосарлар бўлиб етишишади.**

Республика ИИВ хузуридағи ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернат республикамизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган болаларнинг севимли маскани, таъбир жоиз бўлса, иккичи уйига айланган. Улар асосан хизмат пайтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг фарзандларидир.

— Кўплаб тенгқурларидан фарқли ўлароқ, — дейди “Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуйи бошлиғи, полковник А. Исакходжаев, — тарбияланувчиларимиз ўз яқинларидан эрта айрилиб, тақдир синовидан ўтишларига тўғри келган. Мақсадимиз нафақат уларнинг кўнглини кўтариш, балки қалбларига энг яхши инсоний фазилатларни сингдиришдан ҳам иборатдир. Мактаб-интернат

ташкил этилган дастлабки пайтларда республика Ички ишлар вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги раҳбарияти яқиндан ёрдам берди. Бизга собиқ ўрта мактабнинг эски биноси ажратилди. Ҳаммасини бошидан бошладик. Асосий ишларни ўз кучимиз билан бажаришимизга тўғри келди. Ниҳоят 2002 йили бинонинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бугунги кунда бу ерда барча шароитлар яратилган. Сут ва гўшт етиштиришга мўлжалланган ёрдамчи хўжалик мавжуд. Болалар дастурхонига қўйиладиган мева ва сабзвотлар ҳам ўзимиздан чиқаяпти. Курсантлар “Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуда фаолият юритаётган спорт тўғраклари ва мактаб-интернатдаги стадионда шуғуланиб, чиниқишаипти.



**Олмалиқ — йирик саноат шаҳри. Унда турли миллат вакиллари ёнмаён яшаб, меҳнат қилишади. Шаҳарда қирқдан ортиқ маҳалла бор. Ушбу гўшалардаги аҳоли тинч-тотув яшшини таъминлаш, ҳолидан хабардор бўлиш, корига яраш профилактика инспекторлари зиммасида.**

Ҳамза, А. Қаҳдор, Ибн Сино, У. Юсупов номли маҳаллаларни бирлаштирган 15-милиция таянч пунктига профилактика катта инспектори, майор Сирожиддин Раҳматов масъул. Ҳудудда кўп қаватли туар-жой бинолари, иккита ўрта мактаб ва битта коллеж жойлашган. С. Раҳматовнинг фуқаролар, коллеж ва мактаб ўкувчилари ўргасида амалга ошираётган профилактик огоҳлантирув тадбирлари натижасида содир бўлиши мумкин бўлган оғир жиноятларнинг олди олиняпти. Босқинчлилар, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари умуман қайд этилмади. Ёшлар турли диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун уларнинг бўш вақтлари фойдали машгулотлар билан банд қилинган. Турли спорт тўғраклари фаолият юритаяпти, мунтазам беллашувлар ўюнтирилаипти.

## ЭЛ ЭЪТИБОРИ – ЮКСАК БАҲО

— Аҳолининг асосий қисми қонунларимизга ҳурмат билан қараб, талабларига амал қиласидан, — дейди майор С. Раҳматов. — Республика мизда юз бераётган террорчилик хуружлари ҳалқимиз томонидан қаттиқ қораланди. Бундай хунук воқеаларнинг олдини олиш мақсадида С. Раҳматов маҳалла фаоллари, жамоат тузилмалари вакилларини янада жисплаштириб, аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боряпти.

Ташкил этилган тунги навбатчилик гуруҳларининг жиноятчиликнинг олдини олиш, тартибузарликлар уларни лоқайд қолдирмаяпти. Ёки қўшниникида ўғирлик содир бўлса

“хеч кимни кўрмадим, хеч нарсани билмайман” демасдан, суриштирув ишларига фаол ёрдам беришмоқда. Мен ишонч билан маҳаллалар аҳлиниң 60 фоизи бугун ички ишлар ходимларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр, деб айта оламан.

Аммо аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ма-

масалан, тунги соат иккиларга яқин тугун орқалаган иккӣ йигит тўхтатилди. Чойшабга ўралган телевизор ва бошқа майдачуида рўзгор буюмлари эрталаб ИИБга топшириш учун олиб келинганда, уй эгаси ўғирлик ҳақида ариза ёзиб ўтиради. У нарсаларини кўриб, кувониб кетди.

Профилактика катта инспектори С. Раҳматов асосий эътиборни муқаддам судланган шахсларга қаратиши бежиз эмас. Уларнинг тўғри йўл топиб кетиши, оиласини тиклаши, ҳалол тер тўкиб, фарзандларини тарбиялаши учун бор вақти ва файратини ишга солаяпти.

Бекорчилик одамни номақбул ишларга ундейди. Шу боис, маъмурий назоратда турган ўн бир нафар муқаддам судланганин барчаси иш билан таъминланган. Шаҳардаги фишт заводида ишловчи А. Усенинов, автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчасида моҳир уста сифатида танилган С. Петровлар ундан мамнун.

Ҳар бир хонадонга очиқ юз, яхши ният билан кириб борувчи профилактика катта инспектори, майор С. Раҳматов фуқаролар орасида ҳурмат қозонмоқда.

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА.**

тест синовларидан муваффақиятли ўтишлари талаб этилади. Айни пайтда ўкув масканимизда 250 нафар курсант яшаб, билим олмоқда.

— Асосий фанлар одатдаги мактабларнидан фарқ қилмайди, — дейди мактаб-интернат директори, капитан М. Жалолов. — Яъни, она тили, рус ва инглиз тиллари, адабиёт, кимё, математика, тасвирий санъат, геометрия ва бошқа фанлардан дарс ўтилади. Булардан ташқари қўл жангги, экстремал вазиятлардан соғ-омон чи-

қиши, саф ва жисмоний тайёр гарлик, юриспруденция, дин тарихидан сабоқ берилади. Шунингдек, ҳафтада икки марта этика, эстетика ва нотиқлик санъати асослари бўйича машгулотлар олиб борилади.

Синфлар ва бошқа ўкув хоналари капитал таъмирдан сўнг ёришиб, шинам бўлди, керакли мебеллар билан жиҳозланди. Сўнгти турдаги йигирма бешта компьютер ўрнатилган компьютер синфа курсантлар ўз билимларини ошириб боришаипти. Машгулотларни ЭҲМ асослари ўқитувчиси В. Йўлдошев ўтмоқда.

Хуллас, билим даргоҳида болаларнинг яшаси, таълим олиши, жисмонан чиниқиши ва кўнгилли дам олиши учун барча имкониятлар мавжуд. Биз ташриф буюрган кун ҳафта яқун бўлгани учун бўлајак Ватан ҳимоячилари ўз яқинлари билан уйларига жўнаб кетиши. Улар икки кун давомида меҳрибонлари дийдорига тўйиб, таълимни давом эттириш учун яна мактаб-интернатта қайтиб келишади.

**Г. ПЕТРОСЯН.**

## ХАВФСИЗЛИККА МАСЪУЛМИЗ

**Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Андижон вилоятида 574 та ёнгин содир бўлди. Натижада 33 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олди, 8 нафар юртдошизиз эса ҳаётдан бевақт кўз юмди. Ёнгинлар асосан аҳоли яшаш жойларидан юзага келаётгани фуқароларнинг ёнгин хавфсизлиги қоидларига амал қиласидан бўлганининидан даалолатдир. Бунга газ, электр жиҳозларидан потўғри фойдаланиш сабаб бўлмоқда.**



Андижон шаҳрида яшовчи Одинахон Юсупова ҳам лоқайдлик қурбонига айланди. У газ пли-тасидан потўғри фойдаланиши оқибатида 65 фоиз даражали куйиш жароҳати олиб, касалхонага келтирилди. Афсуски, ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлмади. Жалолқудуқ туманидаги “Пахтакор” ширкат ҳўжалигига истиқомат қилувчи Гулбаҳор Алиева ҳам табиий газдан фойдаланиши қоидаларига амал қиласидан учун хоналонида ёнгин содир бўлиб, касалхонага ётқизилди.

Бу каби кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларининг аҳамияти жуда катта. Шу боис ҳам ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларини маҳаллалар, меҳнат жамоаларида бўлиб, содир бўлаётган ёнгинларнинг келиб чиқиши сабаблари ва уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

**Акмалжон ЗОКИРОВ,**  
вилоят ИИБ ёнгин катта муҳандиси, капитан.

Тонгнинг мусаффи ҳавосида ҳовлидаги ўзи парваришила-  
ган дарахтларни оралаб, қуёш нурларида товланаётган ме-  
валарга сукланиб қараб турган Қодирқул акани набираси  
чақириб қолди.

— Бобоғон, сизни телефонда сўрашайпти.  
У шошилганича ичкарига кириб, гўшакни кўтарди. Шо-  
гирдларидан бири экан.  
— Устоз, туғилган кунингиз билан табриклиймиз. Юзга ки-  
ринг илоҳим. Ҳамма вакт бизга бош бўлиб юринг...  
— Раҳмат, ука. Сизларнинг соғ бўлиб, эл назарида юри-  
шингиз менинг ҳам бахтим.  
Қодирқул ака гўшакни жойига қўйиб, енгил тин олди.  
Шу кунларга етказганига шукр, — деди у хаёлга чўмаркан.

Кейинги кунларда бу хона-  
донга бўладиган қўнғироқлар,  
келадиган хат-хабарлар янада  
кўпайган. Буларнинг ҳаммаси  
оила бошлиғи — Ўзбекистон  
Республикасида хизмат кўрсат-  
ган юрист Қодирқул Бобоқулов-  
нинг муборак 60 ёшга тўлиши  
муносабати билан албатта.

Қодирқул ака яна ҳовлига чи-  
киб, кўкка бўй  
чўзган дарахт таги-  
даги чорпояга ўти-  
раркан, хаёл дар-  
ёси уни узоқ-узоқ-  
ларга олиб кетди.

У туғилган пайт  
оғир дамлар эди.  
Беғубор болалиги  
иккинчи жаҳон  
урушидан кейинги  
қурилиш-тиклаш  
даврига тўғри кел-  
ди. Бобоқул ака ва  
Робия опаларнинг  
еттинчи фарзанди  
Қодирқул ҳам ота-  
онаси, акаларига  
қўшилиб, далага  
чиқар, кўп вақти-  
ни асосан шу ерда  
үтказарди. Гарчи ҳали уларга  
қўшилиб ишлай олмаса-да, ота-  
онасининг меҳнатини кўриб,  
уларга ёрдам бергиси, ёнларига  
киргиси келарди. Кейинчалик  
мактабга қатнай бошлагач,  
ўқиш билан бирга далага чиқиб  
ота-онасига кўмакчи бўлди.

Ҳаш-паш дегунча болалик  
йиллари ҳам ортда қолди. 1962  
йилда ўзи туғилиб ўсган Булун-  
гур туманидаги 15-ўрта мактабни  
тутгатгач, мустақил ҳаёт сари  
илк қадамни ташлади. Самарқанд  
шаҳрига келиб, 6-касл-  
хунар билим юртига ўқишига  
кирди. Бу ерда ўзи танлаган му-  
тахассислик бўйича касб ўрган-  
ган йигитни Янгийўлдаги сут за-  
водига ишга юбориши. Иккى  
йил давомида заводда созловчи  
бўлиб ишлади. Ўша ердан ҳар-  
бий хизматга кетди.

Қ. Бобоқулов армиядан катта  
сержант унвони билан қайти. У  
хизматни ўташ чоғида ҳуқуқ-  
тартибот идораларида ишлани  
ўз олдига мақсад қилиб қўйди.  
Шу боис Тошкент олий мили-  
ция мактабига ўқишига кирди.

Милиция мактабини мувваф-  
фақиятли тутгатгач, лейтенант  
унвони билан олий маълумотли  
ҳуқуқшунос дипломини қўлга  
киритган Қ. Бобоқуловни  
Самарқанд шаҳар ИИБ тергов  
бўлимига терговчи этиб ишга  
қабул қилишиди.

Устозларининг назарига ту-  
шиб, уларнинг маслаҳатларига  
амал қилган Қ. Бобоқуловнинг  
ўзи ҳам устозлари изидан бориб,

турли лавозимларда ишлади.  
Ишни терговчиликдан бошли-  
ган бўлса, кейинчалик шаҳар  
ИИБ тергов бўлими бошлиғи  
ўринбосари, Богошамол туман  
ИИБ тергов бўлинмаси бошли-  
ғи, вилоят ИИБ тергов бўли-  
ми бошлиғи ўринбосари вази-  
фаларида меҳнат қилди. Бир  
неча йил Богошамол ва Самар-



Ўқтам Фаниев, Оқдарё тумани  
ИИБ ТБ бошлиғи Акрам Дави-  
ров, вилоят ИИБ ТБ бўлинма  
бошлиғи, подполковник Асқар  
Фуломов, Сурхондарё вилояти  
ИИБда маъсул лавозимда иш-  
лаётган Ёкуб Элмуродов каби  
ўнлаб шогирдлар Қодирқул ака-  
га қанот бўлишди, устозлари  
ишончини оқлаб, хурмат-эъти-  
бор қозонишиди. Бу  
эса Қодирқул Бобоқуловнинг за-  
матли меҳнатлари бесамар кетмаган-  
лигидан далолат-  
тир. Мен ҳам ўзим-  
ни ушбу ҳазрати  
инсоннинг шогир-  
ди деб биламан.

— Ҳаётда нима-  
гаки эришган  
бўлсан, бунда тур-  
муш ўртоғим Ой-  
шахоннинг ҳам ўз  
хиссаси бор, —  
деди Қодирқул  
ака. — Бизнинг кас-  
бда оила, фарзанд  
та швишлари  
кўпроқ аёлларимиз

зиммасида қолиб кетади. Шун-  
дай бўлса-да, менинг турмуш  
ўртоғим ҳам барча қийинчиллик-  
ларни сабот билан енгиб ўтди,  
менга энг яқин кўмакчи бўлди.  
Биргаликда олти фарзандни  
вояга етказдик, худога шукр,  
буғун уларнинг барчаси ҳаётда  
ўз йўлларини топиб олишган.  
Тўнғичимиз — вилоят прокура-  
тураси ҳузуридаги Солиқ ва ва-  
лютага оид жиноятларга қарши  
курашиб бошқармасида ишла-  
япти. Хайрулло, Лутфулло ва  
Жамшид менинг изимдан бо-  
риб, айни пайтда ички ишлар  
идораларида меҳнат қилишайп-  
ти, қизимиз Гулбаҳор олий маъ-  
лумотли шифокор сифатида  
Тиббиёт коллежида ўқувчилар-  
га сабоқ бераяпти. Санжарбек  
тадбиркорлик йўлини танлади.  
Майли-да, қаерда, қанақа вази-  
фада ишламасин, соғ-омон  
бўлишса, зиммаларидаги бурч-  
ни адо этиб, бизнинг ишончи-  
мизни оқлашса бўлгани. Биз эса  
набиралар даврасида қарилек  
гаштими суриб, уларни дуо  
қилиб ўтирамиз.

Устозимиз Қодир ака Бобо-  
қуловни 60 йиллик таваллуди  
билан вилоят ИИБ бошқарма-  
си шахсий таркиби номидан са-  
мимий муборакбод этамиз. У ки-  
шига узоқ умр, мустаҳкам соғ-  
лик, келгусида невара-чеварала-  
рини етаклаб юришини тилаб  
қоламиш.

**Азимжон БОЗОРОВ,**  
Самарқанд вилояти ИИБ Тергов  
бошқармаси бошлиғи, полковник.

ТҮЙХАТ ЎРНИДА

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ СОҲИБЛАРИ

# ВАТАНИГА СОДИҚ ЎГЛОН

Жазони ижро этиши  
муассасасида ишловчи одам  
ҳақида ҳикоя қилиш бу од-  
дий иш эмаслиги борасида-  
ги фикрга сиз ҳам қўшила-  
сиз, деб ўйлайман. Биз  
ҳикоя қилмоқчи бўлган  
қаҳрамонимиз Андижон  
шахридаги жазони ижро  
етиши муассасаси ходими,  
катта лейтенант Бах-  
тиёр Раҳмоновдир.



— Мен учун касб  
танлашда кўп муаммо  
бўлмади, — деди  
Бахтиёр, — сабаби,  
болалигимданоқ отам-  
нинг касбига қизиқдан  
эдим. Отам оддий  
машина ҳайдовчилиги-  
дан жазони ижро этиши  
муассасаси бошлиғи-  
нинг ўринбосари  
даражасигача бўлган  
йўлни босиб ўтиб,  
майор

унвонида  
нафақага  
чиқдилар.

Бахтиёр  
Шаҳриҳон  
агросер-  
вис  
колледжи-  
ни бити-  
риб,  
ҳарбий  
хизматни  
ўтаб

қайтгач, жазони ижро  
етиши муассасасига  
ишга қабул қилинди.  
Ўтган давр мобайнида  
турли лавозимларда  
хизмат қилди. Ҳозирги  
кунда корпус бошлиғи  
бўлиб ишламоқда.

Ҳар бир инсон  
бошида ҳаёт синовлари  
бўлар экан. Бунга биз  
ҳамиша тайёр туриши-  
миз лозим.

2005 йил 13 майда  
катта лейтенант Бах-  
тиёр Раҳмонов ишга  
келганида бир гурӯҳ  
қуролланган террорчи-  
лар кечаси жазони  
ижро этиши муассаса-  
сига ҳужум қилганли-  
гини эшилди. У бир  
гурӯҳ ҳодимлар билан  
жамоат тартибини

сақлашда мақсадида  
белгиланган манзилга  
етиб борди. Кун туш-  
дан оқсан пайтда  
давлат белгиси йўқ  
“Жигули” машинаси  
қўринди. ИИБ ходим-  
лари машинани тўхта-  
тишга ҳаракат қилиш-  
ганида автомобилдаги-  
лар уларга қаратади.

автоматлардан ўт  
очишади. Бўлиб ўтган  
отишма чоғида маши-  
надагилар йўқ қилинди.  
Кейин аниқланишича,  
улар тиш-тиронигача  
қуролланган террор-  
чилар экан. Отишмада  
катта лейтенант Бах-  
тиёр Раҳмоновга ўқ  
тегиб, ярадор бўлди.  
Шифокорлар унга тез  
ёрдам кўрсатишиди. У

вилоят тез  
тиббий  
ёрдам  
шифохона-  
сида ҳамда  
Намангандаги  
касалхона-  
да давола-  
ниб,  
согайиб  
чиқди. Шу  
йил июнь  
оий ўрта-  
ларида ўз хизмат  
вазифасини бажаришга  
киришиди.

Кундалик иш жараё-  
ни мобайнида инсонда  
хушмуомалик,  
тартиблилик, жанго-  
варлик, мардлик,  
берилган топшириқни  
моҳирлик билан бажа-  
риш, юксак интизом,  
одамлар билан муома-  
ла қилиш санъати каби  
фазилатлар қарор топа  
бошлайди. Бу инсоний  
хислатларнинг ҳаммаси  
Бахтиёр Раҳмоновда  
мужассам десак ҳеч  
муболага қилмаган  
бўламиш.

Бахтиёр Раҳмонов-  
нинг жамоат тартиби-  
ни сақлашда, ўз бур-  
чини бажаришда  
кўрсатган мардлик ва  
жасорати муносиб  
тақдирланди. У Ўзбе-  
кистон Республикаси  
Президентининг  
Фармонига биноан  
“Жасорат” медали  
билан мукофотланди.  
Борис КЛЕЙМАН.

# ЙЎЛИМИЗ БЕҲАТАР БЎЛСИН

2005 йил 28 февралда “Даҳбет–Челак” йўлининг П. Нурмонов номидаги ширкат ҳўжалигидан ўтадиган қисмиди Ҳуснитдин Курбоновни машина уриб кетди. Жабрдийда оғир тан жароҳати оқибатида ҳаётдан кўз юмди...

Воқеа жойи дикъат билан кўздан кечирилганда автомашина фараси синиқлари топилди. Мутахассислар бу синиқлар 1996–1997 йилларда ишлаб чиқарилган “Дамас” автомашинасига тааллуқли эканлигини аниқлашиди. Жабрдийдага тегишили велосипед кўздан кечирилганда ундан

оқ рангли бўёқ излари топилди. Дарҳол “Тутиши” операцияси ёълон қилинди. 1996–1997 йилларда ишлаб чиқарилган оқ рангли “Дамас” эгаларини излашга киришилди.

Самарқанд вилояти ИИБ ЙХХБ ходимлари олдида қийин вазифа туради. Ниҳоят изланяётган транспорт воситаси эгаси топилди. У Пайариқ туманида яшовчи Қобил Турсунов бўлиб чиқди. Рад этиб бўлмас далиллар олдида охиз қолган Қ. Турсунов айбини – маст ҳолатда одам уриб кетганини бўйнига олди.

Мана, икки ярим йилдирки, вилоят ИИБ ЙХХБга полковник Б. Бойбеков раҳбарлик қилиди. Шу давр ичиди ЙТҲ содир этиб, воқеа жойидан яширганинг ҳайдовчиларнинг деярли юз фоиз фош этилишига эришилди.

Бўрибай Бойбеков шундай ҳикоя қиласди:

— Киши уйига кетаяпти. Ёки ишга бораюти. Қаёқалиги муҳим эмас. Энг муҳими – у манзилига эсон-омон этиб олсин. Бирорни машинасида уриб кетган ҳайдовчиларнинг воқеа жойидан яшириниши афсусланарли ҳолдир. Улар жабрдийдаларни ўз вақтида даволаш масканларига етказгандарида ёки “Тез ёрдам” чақиргандарига қанча-қанча одамларнинг ҳаётсилақ қолинарди.

Йўл-транспорт ҳодисаси юз берса, бу ҳақда дарҳол барча ЙПХ постларига хабар берилади. Гумон қилинаётган автомабилни топиш бўйича вилоят ИИБ тезкор ходимлари, профилактика инспекторлари ҳам жалб этилади. Ходимлар бу маълумот замираша шахслар, оиласлар тақдирли, фожиаси ётишини чукур англашади. Шунинг учун ҳодиса содир этилгач, дастлабки дақиқаларданоқ тез, аник ҳаракат қилишиди. Токи айборд қисқа муддатларда топилсин. Статистик маълумотларга қаранганди, дастлабки соатларда йўл қўйилган хатолар



Жинонгларнинг очилишини қийинлаштиради экан.

Масалан, “Оқ рангли машина пиедани босиб кетган. Руслами “Нексия” бўлиши эҳтимоли бор” деб ёълон қилинди, дейлик. Энди тасаввур қилинг: вилоятда бунақ машиналар неча юзлаб бўлиши мумкин. Шу куни бошқа вилоятлардан келган оқ “Нексия”лар-чи? Ҳа, улар ичидан керакларини излаб топиш, тутишнинг ўзи бўлмайди.

Ўтган 9 ой ичиди вилоят ҳудудида 34 ҳолатда ЙТҲ содир этган ҳайдовчилар воқеа жойидан яшири-

ниши. Уларнинг 31 нафари иссиқ изидан фош этилди. Бундан кейин ҳам ходимларнинг иши осон кечмайди. Улар йўлларда кимнингдир эри, хотини, фарзанди, ота-онаси ҳаётдан бевақт кўз юмасин деб тер тўкишили, машаққат чекишиади. Йўл ҳаракати қоидаларини писанд қилмайдиган учар ҳайдовчиларни тегишили жазосиз қолдирмасликка ҳаракат қилишиди. Чунки хизматлари, бурчлари шуну тақозо этади.

**Суратда: вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғи, полковник Бўрибай Бойбеков.**

Кейинги пайтда республика раҳбарияти томонидан профилактика хизматини янада тақомиллаштириши, моддий техника базасини юксалтириши ва ходимларнинг иш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирда вилоядта 343 та милиция таъиинч пунклари, шу жумладан, Самарқанд шаҳрида 16 та марказий милиция таъиинч пункти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти замонавий услубда бунёд этилган бўлиб, барча шароитларга эга.

## МУШТАРАК МАҚСАД САРИ

Бундан 5-6 йиллар илгари мазкур йўналишида шу даражада ижобий ўзгаришлар рўй берилади. Эндиликда маҳалланинг посбонлари, маслаҳатчилари бор, улар ҳудудий милиция таъиинч пункларида профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда иш юритишияти.

Кейинги пайтда бошқарувнинг қўйи бўғинларига яна бир масъуллият юкланди, фуқаролар йигинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари тайинланди. Диний ақидапарастликнинг олдини олиши ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган маслаҳатчилар асосан ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Билимли, оқила, фидойи, оиласида ибрат бўлаётган хотин-қизлардан мингдан зиёди ана шу лавозимга лойиқ деб топилди.

Албатта, иш бор жойда камчилик ва муаммолар ҳам бўлди. Айниқса, ходимлар кўнимисизлигига иложи борича йўл қўймаслик, шахсий таркибининг касб маҳоратини ошириш ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, уларнинг дунёқарашини ҳозирги давр талаблари га мос равишда шакллантиришга алоҳида эътибор бериси лозим. Энг асосийси, аҳоли хушёrligini ошириш, лоқайдликка берилмаслик, ҳар бир фуқаронинг фаоллигини юксалтириш нафақат ички ишлар идоралари, балки барча давлат ва жамоат ташкилотларининг бурчи эканлигини унтачмаслик зарур.

# МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ

Паспорт хизмати – бу аввало аҳоли билан ишлаш дегани. Мазкур идорага ҳар куни юзлаб одамлар зарурат юзасидан мурожаат этишиади ва муаммолари ҳал бўлишига умид қилишиади.

Хорижга чиқиши, келиши ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимлари дикъат-эътиборли, юқсан музомала маданиятига эга бўлишлари керак. Самарқанд шаҳар ИИБ ЙХЧК ва ФРБ ходимлари буни доимо ёдда тутшиади. Шаҳар, туманларининг паспорт хизматлари бирлашгач, Регистонга кўчиб ўтди. Тўғри, бино XIX асрда қурилган бўлиб, таъмирталаб эди. Аммо майор В. Содиков бошчилигидаги ушбу хизмат ходимларининг бундан ҳафсалалари пир бўлмади. Аҳолликда гап кўп. Қисқа муддатда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Янги жойда иш бошлаш аввалига қийин кечади. Бошда қийинчиликлар бўлди. Фуқаролар керакли бланкаларни бу ердан олиши, нусха кўчириши учун бошқа ёкка чопишар, суратга қайта тушишга тўғри келса, тагин сарсон бўлишарди. Хорижга чиқиши, келиши, паспорт олиш учун яна қатор ҳужжатларни тайёрлашга тўғри келади. Хуллас, одамлар анча овора бўлишарди.

Ҳозир бу ерда иш бутунлай янгича ташкил этилган. Мазкур хизмат бошлиғи, майор Воҳид СОДИКОВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Воҳид Ражабович, уч туман бирлашгач иш бошлиғи қийин кечган бўлса керак?

— Биринчи галда ходимлар учун ҳам, турли масалалар юзасидан мурожаат қилиувчи фуқаролар учун ҳам барча зарур шароитлар яратишга ҳаракат қилдик. Шаҳар ҳудудининг катталиги ва аҳолисининг кўтлиги жиҳатидан республикамизда иккинчи ўринда туради. Шунинг учун ҳам ишмиз ўзиги. Ҳар куни қанчалалар одамлар мурожаат қилишади. Ҳар қайсисининг ўз ташвиши, муаммоси бор. Улар чарчаб, толиқиб қолишимасин деб йўлаклар

га ўриндиқлар, юмшоқ стуллар қўйдик. Хизмат кўрсатиш столи, касса, нусха кўчириш хонаси, фотосалон фаолият кўрсатяти. Валюта кассаси ҳам ишлаб турибди. Хуллас, одамларнинг мушкуллари осон бўлиши, муаммолари дарҳол ҳаёт этилиши учун барчаларни кўраяпмиз.

Илгари шаҳарнинг Темирйўл туманидан рўйхатга кўйиш учун фуқаролар икки паспорт идорасида икки кун вақтларини ўтказишарди. Ҳозир уларга анча енгиллик яратилган. Хизмат столида керакли бланкаларни расмийлаштириб беришади. Сўнг фуқаролар ушбу

ходимларимиз ўтган давр ичиди 77 мингдан зиёд хусусий хонадонда, кўплаб ёткоҳона ва меҳмонхоналарда, 370 та корхона ва ташкилотда бу борада текширувлар пайтида 5417 та паспорт тартибини бузиш ҳолати аниқланди. 5129 фуқаро жаримага тортилди. Юзга яқин МДҲ фуқароси амалдаги қонун-қоидаларни бузганлиги сабабли республикадан чиқариб юборилди. Паспорт тарти-

— Унча катта эмас. Кўз тегмасин, жамоамиз аҳил. Байрамларни бирга ўтказамиз, хурсандчилигимизни ўзаро баҳам кўрамиз. Ҳаёт фақат шодликлардан иборат эмас. Оғир кунимизда бир-биримизга мадад бўлашимиз.

Мутахассисларимиз зарур малака ва кўнижмаларга эга. Уларнинг кўпчилиги узоқ йиллардан бўён шу соҳада ишлаб катта тажриба ортиришган. Улар нафақат ўз ишларини билишади.



би бузилишига айборд бўлган мансабдор шахсларга нисбатан 7 та баённома тузилиди.

— Воҳид Ражабович, жамоаигиз каттами?

ди, балки зарурат туғилса ҳамкасларининг ҳам вазифасини бажара олишади. Үринbosарим майор Т. Садуллаева, инспекторлар, майорлар С. Дусёров,

Х. Ҳакимов, катта паспортчилар Г. Филимонова. Ҳ. Сайдовалар шулар жумасидандир.

Зарурат юзасидан паспорт идорасига ташриф буюрган бир неча фуқароларни сұхбатга тортдик:

Галина Александровна, пенсионер.

— Бу ерда фуқароларга хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Фақат бир таклиф бор эди. Рўйхатдан ўтиш ва чиқиши бланкалари ва уларнинг тўлдирилган намуналари ўйжой мулкдорлари ширкатларида бўлса эди. Фуқаролар ўша ернинг ўзида бланкаларни тўлдириб, маҳалла раисларидан тасдиқлатишса яхши бўларди.

Равшан Аҳмедов, таалаб:

— Мен бугун бувимнинг уйларига рўйхатга ўтдим. Ходимлар керакли ҳужжатларни тез расмийлаштириб беришди. Уларнинг ишларидан хурсандман.

Елена Маркевич, мусиқачунос:

— Россиядан қариидочим келган эди. Бу ерга уни вақтингчалик рўйхатдан ўтказиши учун келдик. Ходимлар қонун-қоидаларни, йўл-йўрикларни тушунтиришиди. Уларга катта раҳмат!

Суратда: катта паспортчилар Г. Филимонова ва Ҳ. Сайдова шу устида.

— Биз ҳам ҳайрли ишга бош-қош бўлаётганингиз учун сизларга раҳмат айтмоқчимиз, — деди полковник Файрат Болтабоев. — Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги қоидаларини фуқароларимизга қанчалик кўп тушунтирасак, содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари шунчалик камайишига эришамиз. Бу борадаги ишларимизни тарғибот-ташвиқот қилишда кўп минг нусхали “Постда” газетасининг аҳамияти катта бўлади, деб ўйлаймиз.

Суҳбатдошларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини тугатмасданоқ таҳририят телефонлари устма-уст жириングлай бошлади.

Иккинчи ўйинга келадиган бўлсақ, дарҳақиқат, футболда жуда камдан-кам рўй берадиган ҳодисанинг гувоҳи бўлдик. Бу айнан бизнинг терма жамоамиз ўтказган ўйинда содир бўлгани бир оз ачинарли ҳолдир. Агарда ҳакам пенальтини ҳисобга олганида ёки қайта тепишга рухсат берганида, биз 3:0, ҳатто, 4:0 ҳисобда ҳам ютишимиз мумкин эди. Йигитларнинг кайфияти шунга мос эди. Ҳакам эса барчасини ўзгартириб юборди. Аввалига роса жаҳлим чиқди. Учрашув давомида менга бу футboldagi янги қоида ҳақида мени огоҳлантиришмагани учун қаттиқ гапирдим ҳам. Бироқ кейинроқ маълум бўлишича, бу ҳакамнинг техник хатоси экан. ФИФА ҳам ўз ҳарорини ҳеч қачон ўзгартирмайди. Демак, ўйнашимиз керак. Ҳозир йигитларимизда ўзгача бир кайфият пайдо бўлган. Улар Ўзбекистон терма жамоасининг нималарга қодирлигини амалда кўрсатиб қўшиш иштиёқи билан ёнишпти. Бу эса мени жуда қувонтиради.


— Сизнинг фаолиятингизда шу каби воқеалар бўлганими?

— Ўттиз йиллик тажрибадан келиб чиқиб айтадиган бўлсан, бундай ҳолатта дуч келмаганман. Футболчилек давримда ҳам, мураббийлик фаолиятимда ҳам бунақаси бўлмаган.

— Европалик таниқли ҳакамлардан бири Тошкентдаги учрашув воқеасига тўхтаталар экан, футбол қоидалари балки япон тилига нотўғри таржима қилингандир, деган антиқа фикри ўтага таш-



В. Радкевич: «Терма жамоамизга фойдам тегаётганидан жуда баҳтиёрман».



Е. Сафонов: «Дарвозамиз даҳлизлигини сақлаб қолиш учун бор кучимни ишга соламан».



Л. Кошелев: «Баҳрайнда бор аламим маним...»

# БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУД»

— Терма жамоамизнинг энг етакчи ва энг фойдали ўйинчи деб кимни айтишингиз мумкин?

— Бу саволингизга жавоб беришим бир оз қийинроқ бўлади. Чунки мураббий ётиборни кўпроқ жамоавий ўйинга қаратади, жамоавий тактик услуг устида ишлашга ҳаракат қиласди. Шунинг учун у ёки бу футболчига суюниш иш олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайман. Албатта, жамоа сардори Миржалол Қосимов бундан мустасно. Мен уни аввал унчалик яхши билмасдим. Аммо шу ёшдаки, ажойиб ўйин кўрсатяптими, демак, ўта иқтидорли футболчилигига мутлақо шубҳа қилмайман.

— Нима деб ўйлайсиз, диспетчерлик борасида Сервер Жепаров унинг ўрнини босиши мумкини?

— Сервер жуда маҳоратли ўйинчи. Қувайт ва Баҳрайн билан бўлган учрашувларда у ўзининг индивидуал ҳаракатлари билан менга анча маъқул тушди. Ўзига хос услугга, техникага эга. Лекин ҳозирча уни Қосимов билан тенглостиришнинг ўрни эмас.

— Жамоамизда бир футболчи бор. Мухлислар гоҳида унинг маҳоратига тан беришади, гоҳида ундан хафа ҳам бўлишади. Лекин терма жамоани усиз масаввур қила олишмайди. Бу — Максим Шацких...

— Шубҳасиз, иқтидорли, профессионал ўйинчи. Ҳужумчилар аслида шунаقا бўлишади: бутун ўйин давомида кам кўринишса-да, айни зарур пайтда керакли жойда бўлишади ва керакли тўпни кирита олишади. Мен бу борада Максимни жуда қадрлайман ва хурмат қиласман. Сўнгти вақтларда кўплаб хориж клублари унинг фаолияти билан қизиқмоқдалар, шахсан менга кучли ва машҳур клублардан бир неча бор қўнғироқ қилиб, суринтиришмоқда.

— Тимур Копадзе ўтган учрашувларда майдонда унчалик ҳам сезилмасди. Аммо Баҳрайн билан бўлган ўйинда ўзининг ҳарояти ҳаракатлари билан мухлислар олқишига сазовор бўлди...

— Бироз адашдингиз. Менинчча, Тимур Қувайт билан бўлган учрашувда ҳам анча фаол ўйнаганди. Анчагина заbardast, жонкуяр футболчи.



С. Жепаров: «Аҳдимиз қатъий, биз албатта ғалаба қозончиройли ҳаракатлари билан мухлислар олқишига сазовор бўлди...»

— Келинг, ўйинчилар борасида сўнгги саволимни берсам. Мухлислар назарида Евгений Сафонов биринчи рақамли дарвозабон ҳисобланади. Аммо унинг ҳам бир камчилиги бор - у ҳам бўлса, настдан келадиган тўпларни қабул қилишда адашади...

— (Кулади). Албатта, бўйи икки метрдан баланд дарвозабоннинг эгилишига кўпроқ вақт кетиб қолади-да. Жиддий гапирадиган бўлсан, менга айнан Сафоновга ўхшаган дарвозабонлар ёқади. Сафоновдек бўйдор дарвозабонларни кўплаб мураббийлар орзу, қилишади. Яхши дарвозабон нафақат техник жиҳатдан кучли, балки ўйинни бошқариши ҳам билиши лозим, керак бўлса, ўйин тизгинини ўзгартириб юборишга қодир бўлиши ҳам зарур. Одатда бевосита майдонда ҳаракат қиласидан футбольчилар 30-35 ёшида фаолиятига якун ясайдилар. Лекин дарвозабонлар эса айнан шу ёшларда ҳар томонлама етилган бўлишади. Сафонов ана шу етук ёшдалиги билан ҳам менга маъқул. Қолаверса, Россия чемпионатида жамоасининг биринчи рақамли дарвозабонига айланиб ултурган. Эсингизда бўлсин, кучли дарвозабонсиз кучли жамоа бўлмайди.

— Дунё матбуоти Осиё футболида ҳам кескин ўшиш бўлаётганини тез-тез эътироф этмоқда. Европалик мутахассис сифатида Сиз қандай фикр билдирган бўлардингиз?

— Дарҳақиқат, Осиёда ҳам футбол анча қизиқарли тус оляпти. Биргина Австралия-

нинг ОФК таркиби киргани кескинлик ошишига кафолат бўлишини айтиб ўтиш жоиз. Қолаверса, Хитойда, Шимолий Кореяда сезиларли кўтарилиш бўляпти. Осиёда ҳам келгуси жаҳон чемпионатларига йўлланмани қўлга киритиш кучли рақобатчиларнинг кўпаяётганлиги сабаб осон кечмайди.

— 8 октябр куни Тошкентдаги марказий «Пахтакор» стадиони мухлислар билан тўлиб-тошади, бунга шубҳа йўқ. Уларга, шунингдек, узоқ вилоятларда умид кўзи билан телевизорга қараб ўтирадиган мухлисларга учрашув олдидан нима деган бўлардингиз?

— Терма жамоамизнинг ашаддий мухлислари борлигидан жуда қувонаман, албатта. Қувайт билан учрашувимизда айнан мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши ўйинчиларга қўшимча куч багишилагани ҳам ҳақиқат. Мен барча мухлисларга ўз миннатдорчилигими билдирган ҳолда илтимос қилмоқчиманки, ФИФА томошабинларнинг ўзини тути-

ши борасида бизни расман огоҳлантириди. Ортиқча эҳтиросларга берилмасдан, рақиб жамоанинг ҳар қандай гашга тегувчи ҳаракатларига эътибор бермасдан, жамоамизни қўллаб-қувватлашларини сўраб қолардим. Акс ҳолда, Баҳрайн тўсигидан ўтганимиздан сўнг, охирги ўйинни ўз уйимизда томошабинларсиз ўтказишимиз мумкин бўлиб қолади. Ёки бетараф майдон ҳам танланиши мумкин. Мен эса буни умуман хоҳламасдим. Умид қиласманки, 8 октябр куни биз футбол мухлисларига олам-олам қувонч ҳади қиласмиз.

— Биз ҳам яхши тилакларингизга қўшилиб қоламиз ва сизни ишонтириб айтаманки, меҳмондўстликни азал-азалдан жойига қўйиб келган юртдошлиаримиз ҳар қандай вазиятда ҳам ўзларини қўлга ола биладилар. Жаноб Хоугтон, Сизга ва терма жамоамизнинг барча аъзоларига эса омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Сұхбатдош: Эркин САТТОРОВ.  
Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

## Тайёргарлик авжида

5 октябр куни терма жамоамиз тўлиқ таркибда машғулотларга киришиди.



Аввалига австриялик мураббий раҳбарлигига чигалёзди машқларига эътибор қаратилди. Мураббийнинг барча топшириқ ва кўрсатмаларини йигитлар сўзсиз бажаришар, тўёки айни дамда футbolдан бошқа уларни ўйлантираётгани йўқ. Бош мураббий эса ёрдамчилари билан эрталабки машғулот режасини тузиштди.

Ниҳоят, ўйинчилар қизишиб олишгач, икки таркибга бўлиниб, Боб Хоугтон ўйлаб топган услуг бўйича машқ қила бошладилар. Бир қараашда иккита таркиб бир-бири билан беллашаётгандек. Аммо яхшилаб назар солинса, энг асосий эътибор тўп узатишдаги чаққонликка, тўпни аниқ узатишга, бир неча тезкор тўп ошириш баробарида рақиб дарвазасига кутилмаган зарба беришга қараш-

тиларди. Қувонарлиси, футболчиларимиз Бош мураббийнинг ҳар бир кўрсатмасини сўзсиз ва талаб даражасида бажаришга интилишарди. Бир неча дақиқалик тактик ўйиндан сўнг бошқатдан иккита таркиб тузилди ва ҳақиқий кураш бошланди. Дарвазаларни Сафонов ва Нестеровлар эгаллашди. Афтидан, тажрибали футбольчиларимиз ёшларга қарши курашиши керак. Хуллас, ўйин қизиқарли ва қувноқ рӯҳда ўтди. Сафоновнинг ҳазил аралаш таъбири билан айтганда, “сергаг жамоа” бақир-чақир қилиб, тажрибалиларни мағлубиятга учратди.

Шу тарика, эрталабки машғулот яна кичик машқлар билан поёнига етди. Кечқурун эса машғулотлар давом этирилди. М. Шацких ҳам сафга қўшилди.



А. Гейнрих, Т. Копадзе: «8 октябр куни ҳам мухлислар билан худди шундай кайфиятда учрашамиз».

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ бўлинма бошлиғи, подполковник **Одилжон МАШРАПОВни** 50 ёшга тўлгани билан самимий кутлаймиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, оиласий баҳт ҳамда хотиржамлик, мушакқатли хизматларида улкан ютуқлар тилаймиз. Хоналонидан файзу барака аримасин.

**Бош бошқарма жамоаси ва оила аъзолари.**

\* \* \*

Тошкент вилояти ИИБ ахборот маркази бошлиғи, подполковник **Қосимхўжа РАДЖИБОЕВни** 50 ёшга тўлгани билан самимий табриклиймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оиласий хотиржамлик, шарафли хизматида ютуқлар тилаймиз.

**Ахборот маркази шахсий таркиби.**

\* \* \*

Тошкент вилояти Қиброй тумани ИИБ бошлиғи, подполковник **Абдужалол АБДУЛАЕВни** туғилган куни билан самимий кутлаб, меҳрибон дадажонимизга мустаҳкам соғлиқ, хизматларида омад тилаб қоламиш.

**Эҳтиром ила оила аъзолари.**

\* \* \*

Наманган вилояти ИИБ матбуот гурӯҳи катта инспектори, майор **Фурқатжон МАМАЖНОВни** таваллуд топған куни билан қизғин кутлаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оиласий хотиржамлик ва ижодий ютуқлар тилаймиз.

**Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

**ЭЪЛОН**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига **сантехник ва пайвандчилар** ишга қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:  
**54-84-28, 139-75-31.**

# БИР КУЛИШАЙЛИК

Судья судланувчига деди:

— Ўғирлаган қимматбаҳо буюмларни қаерга яширганингизни айтсангиз, жазо анча енгиллашади.

— Жаноб судья, ахир бу умуман таъмагирлик-ку, — деди судланувчи.

\* \* \*

Судья ҳайрат билан сўради:

— Ярим тунда машинани олиб қочишга қандай жуरъат этдингиз?

— Жаноб судья, ўтган сафарги судда нега куппа-кундузи автомашинани олиб қочдингиз, деб сўраган эдингиз. Айтинг-чи, мен қайси пайдада ишлашим керак?

\* \* \*

Йигит қизнинг отасига деди:

— Қизингиз менга турмушга чиқишга рози бўлди.

— Ўзингиз айборсиз. Ҳар куни кечкурун бизнигига боравердингиз. Мана оқибати, — деди ота.

\* \* \*

Қамоқчона бошлиғига бир киши мурожаат этиди:

— Мен маҳбус Иванов билан учрашмоқчи эдим.

— У кеча озодликка чиқди. Лекин ташвишланманг, яна бир ойдан кейин келсангиз, у ҳам шу ерда бўлиши мумкин, — деди қамоқчона бошлиғи.

\* \* \*

Эр хотинига деди

— Азизим мен қўзиқорин тергани кетяпман.

— Заҳарланиб қолмайлик яна, — деди хотин эрига.

— Хавотир олма уларни ейишга эмас сотгани тераман.

# ЁГОЧНИНГ БЎШИНИ ҚУРТ ЕЙДИ

## МУЊАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

### Келгуси ҳафта учун

**Қўй.** Душанба кундан бошлаб оила аъзоларингиз билан муносабатларни яхшилашга ётибор беринг. Бу эса бажараётган ишингизга таъсир кўрсатиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳафтанинг сўнгти кунлари кўтарики руҳда ўтади. Мазкур давр мулоқотлар уюштириш ва жамоа бўлиб сафарларга бориш учун муваффақиятлидир.

**СИГИР.** Октябрь ойининг дастлабки кунлари қувончларга бой ўтади. Вақт ажратиб саломатлигинизни тиклаб олишингиз мақсадга мувофиқдир. Ишхонада фаоллик кўрсатишингизга тўғри келади. Ҳаётингизни янада мазмунли ўтказиш учун бор имкониятларни ишга солиши маслаҳат берамиз.

**ЭГИЗАКЛАР.** Шахсий масалаларни муваффақиятли ҳал этиш имконияти бор. Интеллектуал қобилиятингиз омад келтиради. Мукофот ёки совға олишингиз, сафарга боришингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Бўш вақтдан унумли фойдаланасиз. Чоршанба кунга бориб дўстлар давраси кенгаяди.

**ҚИСҚИЧБАҚА.** Сешанба кундан бошлаб янги ишга бемалол киришаверишингиз мумкин. Атрофингиздаги одамлар билан муносабатларда холис ва адолатли фикр юритишингизни намоён этинг. Шунда кўзланган мақсадга осонгина эришасиз. Янги алоқалар ўрнатишга муваффақ бўласиз. Оилангиздаги қувонч ёки олинган даромадни ошкор қилмаганингиз маъқул.

**АРСЛОН.** Ишхонадаги саъй-ҳаракатларингиз ўз мевасини беради. Ҳамкаслар билан муштараклик истеъододингизни юзага чиқаради. Ҳафтанинг сўнгти кунлари ҳаётингиз янги мазмун билан бойиди. Ажойиб инсонлар билан танишиб, ётиборли давраларда бўласиз. Дам олиш кунлари яқин кишингиз билан мулоқот бир олам қувонч келтиради.

**БОШОҚ.** Мазкур ҳафтада муҳим ўзгаришлар рўй бермайди. Аммо бўш вақтингиз ва ҳамёнингиздаги маблағ бошқа кунларга нисбатан кўпроқ бўлади. Ўзингизга керакли нарсаларни харид қилинг. Йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши даромад келтиради. Одамлар билан хушмуомала бўласиз.

**ТАРОЗИ.** Ушбу ҳафта анча омадли кечади. Дастрлабки кунлар хушхабар эшипасиз. Дўстлар ва маслакдошларингиз яқиндан ёрдам беришади. Иқтидорингиз ҳамкасларингизни лол қолдиради. Имкониятни бой бермай ҳаётдан кўп нарса олиб қолишга ҳаракат қилинг.

**ЧАЁН.** Ҳафта давомида куч-куват тўплаб борасиз. Чоршанбани имкон қадар фаолликда ўтказинг. Амалий ва дўстона алоқалар кутилмоқда. Бу эса кўп вақт ўтмай ўз мевасини беради. Белгиланган режалар ҳақида мулоҳаза юритиб олиш, хонаондаги юмушларни бажариш учун қулай даврdir.

**ЁЙ.** Шахсий ҳаётингиз ёрқин дамларга бой бўлади. Қариндошларингизга яқиндан ёрдам берасиз. Пайшанба куни кўзланган ишлар битмайди. Шу куни харидлар қилмаганингиз маъқул. Дам олиш кунлари ажойиб учрашувларнинг гувоҳи бўлиб, катта таассуротлар оласиз. Омад сиз томонда.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Ойлик маошингиз ошиши ёки қўшимча даромад ишлаб олишингиз мумкин. Бундан руҳланиб оила аъзоларингизга совға-саломлар оласиз. Ҳафтанинг сўнгти кунлари даволаниш ва саломатлигинизни тиклаш учун кулайдир. Келгуси режалар ҳақида ўйлаб кўринг.

**ҚОВФА.** Ушбу ҳафтада барча ишларингиз юришади. Кўзланган мақсадга осонгина эришиб, янги имкониятларга эга бўласиз. Сиздаги ижодий кўтаринкилик ҳамкасларингиз томонидан қўллаб-куватланади. Харидлар қилиш имконияти бор. Олисан хушхабар эшиласиз.

**БАЛИҚ.** Мазкур етти кун осуда ва кўнгилли ўтади. Олдингизга қўйилган вазифага ўзига хос ёндашасиз. Атрофингиздаги одамларнинг феъл-авторига жиддий таъсир кўрсатишингиз мумкин. Кайфиятингиз аъло даражада бўлиши нафақат тушумлар, балки кўнгилли мулоқот ва барча масалаларнинг тез ечилишига ҳам боғлиқ.

### «Маънолар маҳзани»

#### ЁФ БЎЛМАСА, ЧАЛПАК ҚИЛ, УН БЎЛМАСА – ПАТИР

Бу мақол халқ ўртасида юрадиган бир латифадан келиб чиқсан: “Бир мақтанчоқ одам ўз одатига кўра чойхонада мақтаниб ўтирган экан, боласи келиб: “Дада, уйда ёғ тамом бўлибди, ёғ олиб берармишсиз”, дебди. Шунда дадаси: “Бор, ойингга бориб айт, ёғ бўлмаса, чалпак қилсан!” деган экан, ўғли: “Ие дада, чалпак қилишга уйда ун йўқ-ку” дебди. Ҳалиги одам атрофдагиларга сир бой бермаслик, ўз мавқенини саклаш учун: “Ун бўлмаса, патир қила қолсан!” деган экан, чойхонадаги одамлар хоҳолаб кулиб юборишибди”. Мазкур мақолни куруқ мақтанчоқ одамларга нисбатан истехzo билан айтадилар.

#### ЁФ ИЧ, ЯЛАНГОЧ ЁТ

ЁФ – тўйимли масаллиқ, кишини ичдан қиздиради. Илгари йилқибоқлар отни сўйгач ёғининг сардагини олиб, совутиб, саклаб қўядиларда, каттиқ совуқ кунларда очиқ-яланг ерларда йилқибоқи юрганларида совқотиб қолмаслик учун шу ёғдан вакти-вақти билан ичиб турардилар. Вариант: “Қишида пўстин кийма, қази е” (“Қишида қази есанг, бу кучли овқат ичингдан қиздиради, пўстин кийишнинг ҳам ҳожати қолмайди”, дейилмоқчи). “Шайтондан “кесак ейсанми” деб сўрасалар, “ёғи борми?” деган экан”.

#### ЁФМАЙ ЎТГАН ЁМФИРДАН ЎПКАЛАМА

Айрим пайтларда булут ола бўлади-да, ёмғир бъязи ерларга ёғиб, бъязи ерларга ёғмай ўтиб кетади. Одатда ҳеч ким бундай ёмғирдан ўпкалаб, гина

қилиб юрмайди. Мазкур мақолни баъзан: “Фалончининг тўйи, зиёфатидан умидланиб юрган эдим. Нега мени айтмади-я, деб ўқалама. Ўтган иш – ўтди-кетди”, деган маънода; баъзан эса: “Аттанг, фалон нарса бошқаларга тегди-ю, менга тегмай қолди ёхуд фалон нарсадан фойдалана олмадим, деб афсусланма. Ўтган ишга – саловат”, деган маънода қўллайдилар.

#### ЁГОЧНИНГ БЎШИНИ ҚУРТ ЕЙДИ

Мазмуни: “Бўш-баёв, ўта мулойим, оғзи бўш, ким нима деса ўшанинг галига кираверадиган бўлсанг, одамлар сенинг “бурнингдан ип ўтказиб”, ўз йўлларига бошлаб юрадилар, ўз манфаатлари йўлида сендан осонгина фойдаланадилар, айёр, текинхўр одамлар бор-йўғингни мутаб ейдилар”, дейилмоқчи. Вариант: “Ёғочнинг юмшогини курт ейди, одамнинг юмшогини бит ейди”; “Кана сиғирнинг түёғига тушмайди, қулогига тушади” (“Кана сиғирнинг түёғига тушмайди, ъяни қаттиқ жойига эмас, балки қулогига, ъяни юмшок жойига ёпишиб, конини сўради”, дейилмоқчи); “Ювош тия – юлишга яхши” (Кўй-эчкиларнинг жунини қирқиб оладилар, туйнинг жунини эса қўл билан юлиб-юлиб оладилар); “Ювош отнинг манглайи қаттиқ” (“Ювош отни ҳар ким миниб кетаверади. Манглайи қаттиклигининг, ъяни ҳаммавақ ҳолдан тойиб юраверишининг боси ҳам – шу ювошлигидан”, дейилмоқчи); “Ювош танани подачи минади. Ювош одамни ҳар ким сўзга илади”; “Ўзинг қўй бўлганингдан кейин – чўпон ҳайдаган тарафга юрасан”; “Кўй бўлмасанг, бўри сени емайди”.

**Барно чиройли, ақл-фаросатли қыз-эди. Нима бүлди-ю, тұсатдан ўзга-риб қолди. У кутилмаганда ишдан бүшаш ҳақида ариза ёзиб, тұппа-тузук ишлаб юрган даргохни тарк этди. Үннинг бу хатти-харакатидан барча лол қолди.**

Хуллас, воңеа Барнонинг узоқ қариндоши Дилбар билан телефондағы сұхбатидан сүңг бошланди. Ўша куни ишдан анча кеч қайтди. Толиқ-қан бүлса-да, чойга ҳам ўтирасдан Дилбарга күнгироқ қилди.

— Дилбар опа, — деди Барно түшкүн бир кай-фиятда, — маслағатли иш чиқиб қолди.

— Хүш, қулогим сенда, — деди Дилбар Барнонинг нима демоқчи эканлығига қызықиб.

— Олаётган маошим тирикчилигимга етмаяпты. Күпчилик Кореяга ишга бориб, мұмайгина пул топиб келишапты. Мен ҳам ўша ёқларда ишлаб келсам дегандым.

— Бир дугонам бор. У ёш йигит-қыздарни чет элларга юбориш билан шуғулланади. Ундан илтимос қилиб күраман.

— Яхши бўларди. Иш битса, сизни хурсанд қиласман.

Орадан икки кун ўтгач, Дилбар Барнони ўша дугонасиникига олиб борди.

— Майли, ёрдам бераман, — деди Мұхаббат опа Барнодек гўзал ва бокира қызниң кутилмаган ташрифидан суюниб. — Лекин икки ойча кутишга тўғри келади. Чунки ишга кетаётганларнинг ҳужжатларини тўғрилаш осон эмас. Қолаверса, бунга озмунчага пул кетмайди. Таниш-билишларни ҳам ишга сошлиш керак.

— Энди дугонажон, — деди Дилбар Мұхаббат опанинг гапини бўлиб, — бу иш осонгина битмаслигини ўзимиз ҳам яхши биламиш. Аммо сизда қобилият бор. Шуни бир ишга соласиз-да.

— Яқинда жўнатилган гуруҳдан бир қизимиз қолиб кетганди. Ҳозир ўшанинг ҳужжатларини тайёрлашпман. Агар иложи бўлса, Барнони ҳам шу қиз билан жўнатишга уриниб кўраман.

— Айтмоқчи, Барнонинг йўл харажатларига ҳам ёрдам берасиз. Ойлик маошини олгач, фоизи билан қайтаради.

— Қийин вазифани зиммамга юклайпсиз, — деди Мұхаббат опа Барнонинг зимдан кўз ташларкан. — Майли, бу масалани ҳам гаплашаман.

Роппа-роса бир ҳафтадан сүңг Мұхаббат опа Барнонинг ўйига кўнги-

ҳишилик билан шуғулланғани жўнатаман. Мұхаббат сизларни менга сотиб кетди.

— Мен у ёққа бормайман! — йиғлаб юборди Барно.

— Сенларнинг эркінг менинг қўлимда, — ўшқирди хонадон соҳибаси.

Эртаси куни Моҳигул қызларни ювнитириб, кийинтириб бир аёлнинг

мажбурлаганча совуқ сувга тушири. У жон талвасасида хонадан қочиб чиқди. Ваҳшийлашган аёл ўғи билан қизи ёрдамида Барнонинг кўл-оёқларини боғлаб уни совуқ сув солинган ваннага ташлашди. Совуқ сув Барнонинг суюксуягидан ўтиб кетди.

— Бу азоблар ҳали ҳолва. Қани кўрайликичи, кейингиларига қандай чидар экансан.

қириб, Барнони даволатди. У тузалиб оёққа тургач:

— Сени даволатиши учун юз минг сўм сарфладим. Энди шу пулни топиб берасан! Акс ҳолда келишолмай қоламиз, — деди.

Кечқурун у қызларни икки йигитта қўши. Орномусидан айрилган қызларнинг кейинги ҳаёти шу зайлда давом

бат. — Менга шундай деб хабар қилишганди.

— Ҳозиргина телефонда гаплашдим, — асабийлашганча қичқирди Ботир ака. — Сен уларни бузуқчилик қилгани ташлаб келган экансан!

— Йўқ, ундаи эмас, — деди Мұхаббат Ботир аканинг важоҳатидан кўрқиб. — Мен ҳозироқ Бухорога жўнайман.

Мұхаббат Бухорога, Ботир ака эса вилоят ички ишлар бошқармасига йўл олди. Воңеа тафсилотини дикқат билан тинглаган Хоразм вилояти ИИБ жиноят қидирив ва терроризмга қарши кураш бошқармасининг бўлим бошлиғи, подполковник Комил Пўлатов бу ишни тажрибали изқуварларга топшириди. Улар шу заҳоти Бухорога жўнашди.

Тезкор гуруҳ ходимларидан илгарироқ Бухорога етиб келган Мұхаббат Моҳигулнинг ўйига бориб, вазият жиддийлашаётганини тушунтириди.

— Шундай экан, қызларга тўллаган пулимни қайтар, — деди Моҳигул.

— Мен сиздан бир тийин ҳам олмаганман! — деди Мұхаббат дағдаға билан. — Агар яхшилика қызларни ўйларига кўйиб юбормассангиз, бу ишга милиция аралашади.

У шундай дея хонадонни тарк этди. Саросимада қолган Моҳигул Барнога ташланди.

— Ҳаммаси сен туфайли бўляяпти! Ўша манжалака қига берган пулимни сендан ундириб оламан!

У шундай дея Барнонинг оғзидағи тилла тишиларини сувурив олмоқчи бўлди. Аммо ёлғиз ўзи бунинг уддасидан чиқолмади. Болалари онасиға ёрдамга келишиди. Ваҳшийлашган кимсалар тезда Барнонинг оғзидағи тилла тишиларни кўпирив олишиди.

— Бу ҳали сенга ишлатган пулларимнинг урвоғи ҳам эмас! — қичқирди Моҳигул. — Қолганини ҳам берасан ҳали.

Мол-дунё деб шундай жирканч, қабиҳ ишларга кўл урган нағф бандалари шу куниёқ кўлга олинди ва уларнинг жиноий қилмиши фош этилди. Жиноятчилар суд ҳукмига кўра узок муддатларга озодликдан маҳрум қилинди.

Ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган Барно ва Салима сингари бокира қызлар ажойиб бир оиланинг баҳтили бекаси, шириш-шакар фарзандларнинг меҳрибон онаси, оила устуни саналган йигитларнинг суюкли ёри бўлиши мумкин эди. Афуски, улар алдов қурбонига айланнишиди.

Бу қызларнинг аянчли тақдирли бошқаларга сабоқ бўлади, деб умид қиласмиш.

Худойберган ЖАББОРОВ.



Бу хабарни ўшилган Ботир ака ёлғиз қизини ўзга юртларга юборгиси келмади.

— Қизингиз тенгилар бола-чақали бўлиб кетишиди, — деди Ҳалима опа эрининг қаршилик қилаётганидан аччиқланниб. — Кўнгли ярим бўлиб юрмасин. Четда ишлаб келмоқчи бўлса, оқ фотиха беринг. Ахир чет элга фақат бизнинг қизимиз кетаётганини ўйқу!

Ботир ака тонгтacha ўйланиб чиқди. Қизининг кетишини истамаса-да, хотинининг қистови билан розилик берди. Мұхаббат опа Барно ва Салима исмли қизни Бухорога олиб кетди...

Эрта тонгда қызларни ўйғотган Моҳигул хона тўридаги оромкурсига ўзини ташлаганча Барнони олдига чақириди.

— Сенларни неча кундан бўён боқаман! — деди у газабланганча. — Энди мижозларнинг кўнглини овлаб, пул топасизлар.

Сизларни бошдан-оёқ кўздан кечиришим керак. Чунки қаддиқоматингиз, чиройингиз, муомалангиз ҳамда нозу карашмангизга қараб ҳақ тўлашади.

— Бизни Кореяга юбормоқчимисиз ўзи? — таажжубланиб сўради Барно.

— Йўқ! — қатъий жавоб берди Моҳигул. — Сизларни Дубайга, фор-

ях солинган совуқ сув Барнога ўз таъсирини кўрсатди. Бир неча кун иссиғи чиқиб, алаҳисираб ётди. Аммо уй бекаси унга парво қилмади. Тинимсиз қийноқларга чидомлаган Барно охири қаҳри қаттиқ аёлнинг измига бўйсинашга мажбур бўлди. Шундан сўнг Моҳигул шифокорни ча-

эта бошлади. Азобукубатларга дош беролмаган Барно бир йўлини топиб, ўйига кўнгироқ қилди ва отасига бор гапни айтиб берди. Бундан хабар топган Ботир ака зудлик билан Мұхаббатни топди.

— Қизингиз аллақачон Кореяга кетган бўлиши керак, — ўсмоқилаб Мұхаб-



Қовуннинг таркиби витаминлар, минерал тузлар ва бошқа фойдали моддаларга ниҳоятда бой. Унинг таркибида фолий кислотаси, РР витаминлари, каротин, ёлар, В витаминлари гуруҳи ва темир моддаси бор. Қовун камқонлик хасталигига яхши даво ҳисобланади. Нафас йўли касалликлари, сил, подагра, жигар хасталиги ва бошқа ички касалликларни даволашда яхши фойда беради. Юрак-қон томирлари фаолиятини яхшилади. Пешонангизга қовуннинг пўчонини қўйиб турсангиз, тезда бош оғригини олади. Ҳиди кайфиятни кўтаради.

### МЎЖИЗАКОР ШАРБАТ


Семиз кишилар қовун ёрдамида озишлари мумкин. Семиришга мойил кишилар ҳам доим қовун еб юрсалар, таналари вазни меъеридан ошиб кетишидан сақланишади. Даво учун кунига 2 кило қовуннинг мағзини бир сутка давомида, яъни 5-7 марта га бўлиб истеъмол қилиш керак.

Қовун билан даволанишнинг яна бир яхши томони, ҳар кунлик одатта кўра истеъмол қиласиган озиқ-овқатдан инсон ўзини тиймаса ҳам бўлаверади. Яъни овқатланиб бўлгандан сўнг кўнгли тусагунча қовун истеъмол қилиш билан ҳам танаси вазнини меъерида ушлаб туриши мумкин экан. Агар қовуннинг шарбатини пўсти билан сиқиб олиб, кунига бир неча марта бир пиёладан истеъмол қилинса, фойдаси янада яхшироқ бўлиши кузатилган. Сабаби, айнан унинг пўстидаги энг бебаҳо минерал тузлар, витаминлар ва фойдали моддалар бўлади. Пўсти билан сиқиб олинган қовун шарбати ҳалқ табобатида қадимдан “Ёшариш шарбати” деб ҳам аталиши бежиз эмас.

Канадада тарвуз билан кўпгина хасталикларни даволаш анъанага айланган. Уни кўпинча сийдик йўли шамоллашларида юрак қон-томирлари фаолияти ҳамда танадаги моддалар алмашинуви бузилганида, қонда қанднинг миқдори ошиб кетганида, камқонликда ва кайфиятни яхшилаш учун асабларни тинчлантиришада жуда кенг қўллашади. Канада табобатчиларининг фикрича, узоқ қиши мавсумида асабларни тинчлантиришада тарвуз энг яхши восита. Улар тарвуздан жуда кўп дориворлар тайёрлашда ҳам фойдаланишаркан. Масалан, куз келиши ва тарвузлар пишиши билан жайдари бугдойдан хамир қориб, 1 см қалинликда ёйгандан сўнг хамироқ тарвузни олиб хамирнинг ўртасига қўйилади. Сўнг уни хамирга ўраб дуҳовкага ёки маҳсус ўчоқса солиб хамир қизарип пишгандан сўнг уни олиб совитиларди. Майдум муддат музлаткичда совитилгач, кичкина тешникча

# Жаннат инъоми

*Меъерида ва етилиб пишган қовуннинг ҳиди шу қадар ажойибки, уни таърифлашга тил ожизлик қиласи. Сабаби, дунёдаги ҳеч бир ҳидни у билан тенглаштириб бўлмайди. Мазасига келсак, яна лол қоласиз. Тилими тилни “ёради” ва инсон танасига бекиёс ҳузур бағишлайди. Ана шундай таърифга эга бўлган қовуннинг инсон соғлиги учун ҳам аҳамияти каттадир. Ҳалқимиз томонидан меҳр-муҳаббат билан етишириладиган қовунларнинг довруғи бутун оламга таралган. Кўпгина давлатларда, шу жумладан, ўзимизда уни йил давомида севиб истеъмол қилишади. Ҳалқ табобатида ҳам қовун ўзининг дориворлиги билан алоҳида ўринга эга. У билан асрлар давомида ҳар хил касалликларни даволаб келишган. Қовун тезда ҳазм бўлади ва куч-қувват бағишлайди. Қонни тозалайди, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилади, ўт пуфаги, буйрак ва сийдик йўлларидаги тошларни танадан ҳайдаб чиқаради.*



### УРУГИ ҲАМ ДАВО

Қовуннинг ширин-шакар мағзи ва пўстидан баҳра олишдан даззатланиб турганингизда уруғи ҳам борлигини унутманг. Уларни ташлаб юборишга шошилманг. Ҳалқ табобатидан маълум бўлишича, қовуннинг уруғи ҳам бебаҳо ҳисобланади. Ундан буйрак, жигар, ўт пуфаги ва сийдик йўли хасталигини даволашда фойдаланиш мумкин. Ҳатто эркакларда жинсий қувватни ошириш хусусиятига эга.

Буйрак, сийдик йўлини ҳар хил тошлар ва чиқиндилардан тозалаш учун бир ош қошиқ қовуннинг пўстидан

тозаланиб майдаланган уруғи олинида ва устидан бир стакан қайноқ сув қўйиб, 3-4 соат давомида ўраб қўйилади. Шундан сўнг ярим стакандан ичилади.

— Сўзак (цистит) хасталигини даволашда 5 ош қошиқ қовуннинг уруғи майдаланиб, идишга солинади ва устидан 3 стакан қайноқ сув қўйилиб, 30 дақиқа давомида дамлаб қўйилади. Сўнг яхшилаш аралаштирилиб, докадан ўтказилади ва кунига 3 марта ярим стакандан ичилади.

Жинсий заифликда 3 ош қошиқ майдаланган қовун уруғига уч ош қошиқ асал

қўшилади, сўнгра кунига 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин бир ош қошиқдан истеъмол қилинади.

Шамоллашда ва тана ҳарорати кўтаришларда уни тушириш учун қовуннинг уруғи, пўсти ва мағзи билан биргаликда сиқилган шарбатини кунига 1-2 стакандан беморга ичирилади.

Эсингизда бўлсин: қандли диабет, ошқозон яраси ва қоринда санчиқли оғриқ бўлган, ич кетган пайтида қовун истеъмол қилиш ман этилади. Шунингдек, қовун егандан сўнг устидан совук сув, сут, қатиқ ичиш тавсия этилмайди.

# Тарвуз билиш даволаш



тешиб, маҳсус нача орқали ичида шарбат ичилади. Шарбат қаҳва рангидан бўлиб, уни ҳар куни овқатдан олдин истеъмол қилинади. Шарбати тугагандан сўнг тарвузни кесиб, хамир билан биргаликда пўстлоғини ҳам қўшиб ейилади. Уруғларини эса алоҳида йигиш-

тириб олиб, доривор шарбат тайёрланади. 5 ош қошиқ уруғига 200 мл қайнаган сув қўшиб овқатдан олдин ичилади.

Тадқиқчиларнинг фикрича, тарвузнинг 80 фоизи сув бўлгани билан қолган 20 фоизи инсон танаси учун фойдали бўлган моддалардан иборат. Тарвуз истеъмол қилиши кўйидаги ҳолатларда фойдали ҳисобланади:

— қонда кислота миқдорини камайтириб, ишқор миқдорини оширади ва бу ҳолат ўз навбатида буйрак-

даги тошларнинг эриб кетишини таъминлайди;

— қон-томир хасталиклигига чалинган ва қон босими баланд бўлган инсонларда холестерин моддасининг камайишини таъминлайди;

— ичакларда, қоринда бўладиган ҳар хил санчиқ оғриқларини камайтириб, ҳазм фаолиятини яхшилайди;

— меъерида ортиқ вазнига эга бўлган инсонлар кўпроқ тарвуз истеъмол қиласалар, меъдан тўқ сақлайди ва бу билан керагидан ортиқ овқат еб қўйи-

шидан сақланиш мумкин;

— қон томирлари хаста кишилар тарвуз истеъмол қилиб юрсалар, таналарида ги кислота ва ишқор нисбатини меъерида сақлашади ва бу билан ўз хасталикларини астә-секин даволай оладилар.

Эслатиб ўтамиш: қанд касаллигига чалинганларнинг қовун-тарвуз маҳсулотлари истеъмол қилишлари мумкин эмас

Саҳифа материалларини  
Темур РЎЗИМАТОВ  
тайёрлади.

Узоқ умр кўришини истасангиз, ноңуштада ҳам, тушлиқда ва кечқурун ҳам қовун енг.  
Ҳалқ ҳикмати.

### ЁШ-ҶАРИГА БИРДЕК ФОЙДАЛИ

Қовундан юз ва тана терисини яхшилашда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун яхши пишган қовуннинг мағзи обдон эзилади, яъни бўтқа ҳолатига келтирилади. Ана шу бўтқани юз ва бўйин терисига ниқоб сифатида суртиб, 15 дақиқадан сўнг илиқ сув билан чайиб ташланса, тери майнлашади.

Куруқ ва ажинли бетни қўйидаги тайёрланган ниқобдан фойдаланиб даволаса бўлади. Юз терингиз бир неча муолажадан сўнг маъинлашиб, ёшаргандек бўласиз.

Ниқоб учун қовун шарбатига янги соғилган сут ва минерал сувдан тенг миқдорда қўшиб яхшилаб аралаштириб, сўнг докадан ўтказиб, юз терисини артсангиз, ҳар хил чанглардан тозаланади. Бу муолажани кунига иккى марта (эрталаб ва кечқурун) такрорласангиз, терингиз тезда майнлашади ва оқаради.

Сепкил ва пигментли дофларни кетказиш учун эса қовуннинг мағзи эзилади, сўнг унга сув қўшилиб, 5 дақиқа давомида қайнатилади. Советилгач, тайёр бўтқа юз терисига суртилиб, 20 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланади. Бу муолажани ўз таъбингизга кўра вақти-вақти билан такрорлаб турсангиз фойдалидир.



«ИССИГИДА» ФОШ ЭТИЛДИ

# ТУНГИ БОСҚИНЧИЛАР

Кўйлиқ дэхқон бозори яқинида пойтахтдаги 2-автокорхона ҳайдовчиси Геннадий Яблоков тунги соат 3 дан 30 дақиқалар ўтганда ўзига биритирилган "Matiz" русумли автомашинада туради. Унинг олдига уч киши келиб, Ким Пен Хва номли ширкат хўжалигига олиб бориб қўйишни илтимос қилишди. Улар кира ҳақини келишишгач ҳайдовчи машинани елдириб кетди. Аммо манзилга етиб келганларида кимсалар куч ишлатиш йўли билан ҳайдовчини кўрқитиб, 20000 сўм пули ҳамда автомашинанинг техник паспортини олиб қўйишди. Шундан сўнг машинани пойтахтга ҳайдаб келиб, ҳайдовчини туширишида-да, ўзлари номаълум томонга жўнаб кетдилар.

Орадан кўп вақт ўтмай жароҳат олган жабрланувчи касалхонага

келтирилди. Шифокорлар Ўртачириқ тумани ички ишлар бўлимига сим қоқиб, содир этилган босқинчilik ҳақида хабар беришди. Вокеа жойига туман ИИБ терговчиси, капитан Баҳодир Шоназаров, вақтинча ушлаб туриш ҳибсонаси бошлигининг ўринбосари, капитан Сайфиддин Баҳодиров ва ЭКБ ходими, лейтенант Сайдазим Отахўжаевлардан иборат тезкор-тергов гуруҳи зудлик билан етиб борди. Улар жабрланувчи билан сұхбат чоғида машинанинг давлат рақами белгисини аниқлашди. Шундан сўнг "Тутиш" тадбири эълон қилинди.

Эртасига эрталаб соат 8.00 ларда Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек



4 октябрь куни тунги соат 11.00 ларда Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакиллари, капитан Фарҳод Ибрагимов, лейтенант Баҳром Ҳакимов ва Тошкент шаҳар ИИБ

Хўжалик бошқармаси қўриқлаш вズводи сардори, сержант Азиз Соҳиб овлар ўзларига биритирилган 17-мавзедаги худудни айлануб юришарди. Ку-

тилмагандага сал наридаги хилват жойдан бир фуқаронинг инграган овози келди. Улар нима гаплигини билиш мақсадида тезда ўша томонга йўналдилар. Ҳали етиб бормасларидан ички ишлар ходимларини кўрган икки кимса жуфтакни ростлаб қолиши. Ерда эса бир ёш ўйигит юз тубан ётарди. Талончилик рўй берганини фаҳмлаган посбонлардан бири жабрланувчига ёрдам кўрсатиш учун қолди, қолган иккиси эса улар кетидан қувиб кетиши. Кўп ўтмай тумандаги 20-мавзеда яшовчи Г. Роман ва унинг шериги Р. Шавкатлар кўлга олинди. Талончиларнинг ёнидан жабрланувчи – Тошкент Давлат юридик институти талабаси Камолхон Эшонхоновга тегиши талаба билети, "NOKIA" русумли уяли телефон ва пул чиқди. Гумондорлар ички ишлар бўлимига келтирилганда Г. Роман талабанинг орқасидан келиб бошига тўмтоқ жисм билан урганини тан олди. Ички ишлар ходимларининг зийраклиги туфайли ушбу жиноят бир соатга бормай фош этилди.



**Наманган шаҳридаги мактаблардан бирининг ўқувчиси А. Азиз "Ижодкор" ширкат хўжалиги ҳудудида мол боқиб юрарди. У симёоч олдига борганида узилиб, пастга осилиб турган симни кўриб қолди. Бола-да, қандайдир хаёл билан бехосдан электр токи ўтган симни ушлаб олди. Ўсмири шу заҳоти ток уриб, бу ҳаётдан кўз юмди.**

## БИЗНИНГ ШАРҲ:

Ушбу аянчли воқеалар билан танишган ҳар бир киши ташвишга тушиши табиий. Тилга олинган ҳодисалар рўй бермаслиги мумкинмиди? Албатта. Буннинг учун кўп бор айтилган, ҳатто ёд бўлиб кетган иборани яна бир бор тақрорлашимизга тўғри кела-ди. Бундай аянчли ҳолатлар

бепарволик, лоқайдлик ва масъулиятсизлик оқибатида содир этилаяти.

Агар дастлабки ҳодисада электр токи ўтган сим осилиб ётганини кўрган ва у кимгadir зиён етказишини тушунган катта ёшдаги фуқаролардан бири электр тармоги идо-расига хабар берганида 12

йўл Азиз бевакт оламдан ўтмас эди. Пенсионер М. Холдорнинг хонадонида ёнгин содир бўлди. Вакт пешинга яқинлашиб қолганда одамлар сомонхона ёнаётганини кўриб қолиши. Офат қисқа вақтда бартараф этилди. Аммо олов даф этилгач, ҳужрадан хонадон эгасининг икки набираси – Дилафрўз ва Турсунбойнинг куйган ҳолдаги жасадлари олиб чиқили.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 2-отряди сардори, капитан Б. Есбердиевга падари бузруквори

### ОМАР отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ахборот маркази бошлиғи, полковник А. Жўраевга онаси

### ЎҒИЛОЙ аяннинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

## ҲОДИСАЛАР

**Фориш туманидаги Осмонсой қишилогида истиқомат қилувчи Холмурод Қувноқов "ВАЗ – 21011" русумли машинасида "Осмонсой – Учкулоч" ўйли бўйлаб бораётган эди. Бирдан орқа ғилдирак чиқиб кетиб, автомобиль йўл четига ағдарили. Ҳ. Қувноқов ўзига келмай вафот этиди. У билан бирга кетаётган акаси ва унинг қизи Муаззамлар турли хил тан жароҳати олиши.**

иқки Азиз бевакт оламдан ўтмас эди. Пенсионер М. Холдорнинг сомонхонаси ёнганини эса невараларининг гугурт ўйнаши сабаби бўлган. Буни дастлабки текширувлар кўреатди. Наҳотки, энди 4-5 ённи қаршилаган болаларни назоратсиз қолдирмаслик, жилла бўлмаса, гугуртни пана жойга яшириб кўйиш кераклиги ота-хоннинг хаёлига келма-

ган? Ёки кейинги икки ҳодисани олайлик. Тўғри, йўл тасодифларга тўла, деймиз. Аммо кўп ҳолларда бунга ўзимизга ҳам тўғри келмайди. Агар Ҳолмурод Қувноқов ва Ихтиёр Бозорлар йўналишга техник соз машинани ҳайдаб чиқишганда ғилдирак ҳам чиқиб кетмас, баллон ҳам ёрил-

мас эди. Аёл кишининг тўйгунча спиртли ичимлик истеъмол қилиши энди миллатимизга ҳам тўғри келмайди. Агар Ҳолмурод Қувноқов ва Ихтиёр Бозорлар йўналишга техник соз машинани ҳайдаб чиқишганда ғилдирак ҳам чиқиб кетмас, баллон ҳам ёрил-

мас эди. Аёл кишининг тўйгунча спиртли ичимлик истеъмол қилиши энди миллатимизга ҳам тўғри келмайди. Агар Ҳолмурод Қувноқов ва Ихтиёр Бозорлар йўналишга техник соз машинани ҳайдаб чиқишганда ғилдирак ҳам чиқиб кетмас, баллон ҳам ёрил-

мас эди. Аёл кишининг тўйгунча спиртли ичимлик истеъмол қилиши энди миллатимизга ҳам тўғри келмайди. Агар Ҳолмурод Қувноқов ва Ихтиёр Бозорлар йўналишга техник соз машинани ҳайдаб чиқишганда ғилдирак ҳам чиқиб кетмас, баллон ҳам ёрил-

мас эди. Аёл кишининг тўйгунча спиртли ичимлик истеъмол қилиши энди миллатимизга ҳам тўғри келмайди. Агар Ҳолмурод Қувноқов ва Ихтиёр Бозорлар йўналишга техник соз машинани ҳайдаб чиқишганда ғилдирак ҳам чиқиб кетмас, баллон ҳам ёрил-

мас эди. Аёл кишининг тўйгунча спиртли ичимлик истеъмол қилиши энди миллатимизга ҳам тўғри келмайди. Агар Ҳолмурод Қувноқов ва Ихтиёр Бозорлар йўналишга техник соз машинани ҳайдаб чиқишганда ғилдирак ҳам чиқиб кетмас, баллон ҳам ёрил-

мас эди. Аёл кишининг тўйгунча спиртли ичимлик истеъмол қилиши энди миллатимизга ҳам тўғри келмайди. Агар Ҳолмурод Қувноқов ва Ихтиёр Бозорлар йўналишга техник соз машинани ҳайдаб чиқишганда ғилдирак ҳам чиқиб кетмас, баллон ҳам ёрил-

## НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ



### ЎГРИ ТУЗОҚДА

Тошкент шаҳри Миробод туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган М. Виктор бир фуқаронинг уйига эшик қулфини бузиш орқали кириб "LG" русумли телевизори, микротўлкини печъ ва "Пентиум-4" компютерини ўмариди. У буюмларни энди "ВАЗ-2106" русумли автомашинасига юклайтган пайтда ички ишлар ходимларининг тузогига илинди.

### «БОБОДЕҲҶОН»ДАГИ ОҒУФУРУШ

Ички ишлар ходимлари Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги "Бободеҳҷон" маҳалласида тадбир ўтказишганда наманганлик И. Отабек кўлга олинди. Унинг қопида 12 кг. дан ортик марихуана борлиги аниқланди.

### ЁМОННИНГ КУЧИ...

Навоий шаҳридаги Халқлар дўстлиги кўчасида ўн икки ёшли К. Анастасияни номаълум шахс жабрлади. У қизчани кўрқитиб, "Сименс-А35" русумли уяли телефони ва 2000 сўм пулини олиб кетди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Кармана туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган X. Дишпод содир эттаниликда тумонланиб ушланди.

### ШУБҲА ТЎҒРИ БЎЛИБ ЧИҚДИ

Термиз шаҳрилик Б. Артур ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотди. Ўтказилган тадбир чоғида унинг уйидан ракамлари ўчирилган "Макаров" тўпциончаси ҳамда жанговар ўқлари тошилди. Қолган тафсилотлар аниқланмоқда.

### ҚАСОСЛИ ДУНЁ... МИ?

Тошкент вилояти Оҳангарон туманида яшовчи Юлия Лукянова уйи олдида Рустам Сангилов исмли таниши билан жанжаллашиб қолди ва унинг кўкрагига пичоқ санчди. Сўнгра акаси Александр билан воқеа жойдана қочиб кетди. Ака-сингиллар "Навоий кўргон" ширкат хўжалиги худудида йўлни кесиб ўтишаётганда уларни олтиарилик Музаффар Қодиров "Дамас" русумли автомашинасида уриб юборди. Натижада Юлия шу жойнинг ўзида бу ёруғ дунёдан кўз юмди. Акаси Александр ва ҳайдовчи эса касалхонага ётқизилди.

\* \* \*

**Ш. Ўғилой Термиз шаҳри, 5-кичик туманда яшовчи танишини кига меҳмон бўлиб борди. Аввалига қиттак-қиттакдан бошланган ичилик уни батамом ўз домига тортиди. Спиртли ичимликка обдон тўйган аёл заҳарланиб, оламдан ўтди.**

Кўяётганимиз ва бу аянчли оқибатлар, ҳатто фожиаларга олиб келаётгани ўз ифодасини топмокда. Шундай экан, келинг азизлар, бир марта бериладиган умрни роҳат-фароғатда, ташвишу кўнгил-сизликлардан ҳоли ўтказиш учун теварак-атроғатеран кўз билан қарашга ўрганайлик.


Материалларни Исмоил МИНОВАРОВ ва Сайдулла ШОДИЕВлар тайёрлашди.


### ҚИЗЧАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент вилояти ИИБ ҲООБга қарашли вояга етмаганларга ижтимоий-хукукий ёрдам кўрсатиш марказига 2005 йил 25 сентябрь куни Чирчиқ шаҳар ИИБ вояга етмаган ёшлар орасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш гурухи ходимларинан ота-онасининг қаровисиз қолган, таҳминан 6-7 ёшлардаги қиз бола олиб келинган. Қизча билан сұхбатда исменин Алёна деб айтган. Ота-онаси, яшаш манзили ҳақида ҳеч қандай маълумот беролмайди.

**Белгилари:** бўйи 120-130 см, озғиндан келган, юзи чўзикроқ, кўзлари кўк, қошлари сийрак, ёйсимон.

**Кийимлари:** энгига футболка, пушти ранг шорти, ёёғига пушти ранг шиппак кийган. **Қизчанинг ота-онаси ёки қариндошлари Янгийўл шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-хукукий ёрдам кўрсатиш марказига мурожсат этишлари мумкин. Телефон: 8-260-2-40-11.**





ТАБИАТ ИНЬОМИ. Абу КЕНЖАЕВ сурат-лавҳаси.

**«ПОСТДА» АНКЕТАСИ**

## ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР, ЭЪТИРОЗЛАР

Газетани янайм қизиқарли қилиш учун қишлоқ жойларида яшовчи жамоатчи мухбирлар, қаламкашларни кўпроқ жалб қилиши зарур. Саҳифалардан Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларидан келаётган материалларга кенг ўрин берилаетти. Менинчча, олис қишлоқлардан келадиган хат-хабарларга алоҳида эътибор қараши лозим.

Наширинг тўрт саҳифасин теледастурлар эгаллаган. Бу кабель телевидениеси мавжуд бўлган йирик шаҳарларда яшовчилар учун яхши, албатта. Аксарият туман марказларида фақат Ўзбекистон телевидениесининг 1,2-дас-

турлари намойши этилади, холос. Буни эътиборга олиш лозим. Яна бир таклиф. Мақола ёзиша бир хил қолитдан қочиш керак.

**А. ИСКАНДАРОВ,**  
Кўргонтепа тумани.

Газета саҳифаларида турли хизматлар ва бўлинмаларнинг илғор тажрибалари ҳақида ҳикоя қулиучи материаллар кўпроқ бўлишини хоҳлар эдим. Ҳар ойда бир марта уруш ва хизмат фахрийларига багишинган саҳифа берилиши мақсадга мувофиқдир. Улар ибратли воқеаларни сўзлаб бершиарди.

**А. РОЗИЁВ,**  
истеъфодаги подполковник.

Фарзандларим "Болалар саҳифаси"даги бошқотирмаларни катта қизиқши билан ечишади. Ўзим эса "Турмуш чорраҳаларида" рукини остида бериладиган материалларни қолдирмасдан ўқиб бораман. Бундай мақолаларнинг жуда катта тарбиявий аҳамияти бор, деб биламан. Шунингдек, қисқа-қисқа хориж детективларидан ҳам бериб боришини истардим.

Чет эд ва МДХ давлатлари ҳуқук-тартибот идоралари фаолиятидан олиб ёзилган материаллар ҳам кўпчиликда қизиқши уйготади, деб ўйлайман.

**А. УСМОНОВ,**  
Андижон шахри.

## БЕШИКДАН ҚАБРГАЧА ИЛМ ИЗЛА

### ҲАДИСЛАР – ЙАҶИЯ МАЛЕКИ

Азиз газетхонлар! Мусулмон оламида рамазон ойи бошланди. Бу кунлар ҳар бир мўмин мусулмон учун табарруқдир. Рўза тутган киши ҳам жисмонан, ҳам руҳан покланади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадислари мана бир неча асрлардан бери кишиларга руҳий озиқ бераб келяпти. Муборак кунларда ҳадислардан на муналар бериб боришни лозим топдик. Зоро, ҳадислар тарбиянинг асосий манбаидир.



ри ҳам бор. Илмнинг офати унутишдир. Ундан сақланмоқнинг йўли илмни ҳар вақт тақрорлаб турмокдир. Илмга рабати бўлмаган кишиларга илм ўргатмок уни зое этмоқ бўлади. Шунинг учун илмни ҳар кимнинг ақлига, онгига ва ишига қараб ўргатмоқ лозим. Ҳеч нарсани англамай турган ёш болага дехқончилик тўғрисида сўзламоқ, дехқонга олий математика ёки мураккаб кимёдан сабоқ бермоқ илмни кераксиз ўринга зое этмоқдир. Қанча ўқитма, қанча тиришма, қизиқиши бўлмаса, ақли етмаса фойдасиздир.

Илмга амал қилувчилардан бўлингиз, уни тилда сўзловчилардан бўлманигиз.

Изоҳ: миллатнинг яшаси, ҳалқнинг дунё ва охират саодатига эришиши илм ўрганиш, уқиши билан бўлади. Лекин ўрганилган илмни ишга татбиқ этилиши шарт. Ўқилган илми билан миллий ишлардан, ҳалқ хизматидан четда турган киши шундай тубан ўринни олади. Катта давлати бўла туриб, миллий ишларга, ҳалқ хизматига фойдаси тегмаган баҳил кишилар Аллоҳ тарафидан қандай оғирлик кўрсалар, бор илми или ҳалқа фойда келтирмаган ялқов олим ҳам шундай оғирлик кўради.

Илмнинг офати унутиш, уни илмга муҳаббати бўлмаган кишиларга сўзлаб зое қилишдир.

Изоҳ: дунёда ҳар бир нарсанинг ўз офати ва ундан сақланмоқнинг йўлла-

ши, авом ҳалқ уларнинг қадрларини билиши, мумкин қадар ўз маълумотларини кенгайтириш йўлида ёрдам олиши ҳам уларнинг сўзлари билан иш қилиши лозим.

## КРОССВОРД

Ёйлар бўйича: 1. Дунай дарёси бўйи, Альп тоғлари тармоқлари этагида жойлашган пойтаҳт шаҳар. 2. Шимолий яримшардага энг ёруғ юлдузлардан бири. 3. Осиё жанубидаги юз чонаға тенг пул бирлиги. 4. Чала ва чалачўларнинг дехқончилик ривожланган, обод ҳудуди. 5. Ҳукуқда давлат ҳокимиётининг бирор органи томонидан қабул қилинган қарорнинг унинг ўзга бир идора томонидан бекор қилинishi. 6. Қадим ҳинд ёдабий ёдгорликлари тили. 7. Бразилия композитори. 8. Испаниянинг Атлантика океани соҳилидаги порт шаҳри. 9. Инсоннинг яқинларига бўлган садоқати. 10. Ўтган асрнинг олтмишинчى йилларида машхур бўлган бразилиялик футболчи. 11. Самолёт, вертолёт, кемаларни ҳаракатлантирувчи паррак. 12. Айрилик. 13. Муайян давлатга ташриф этиш, юриш ва ундан чиқиб кетишга ижозат тўғрисидаги паспортга қўйилган белги. 14. Fюза касаллиги. 15. Илмий-

фантастик асар жанри асосчиларидан бири, француз алиби. 16. Маҳалий тил. 17. Faafur. Ғуломнинг фалсафий шеъри. 18. Оғирлик, салмоқ. 19. Дастронҳон безаги, идиш. 20. Электр кувватининг ўлчов бирлиги.

#### КРИПТОГРАММА

Очқич сўзлар: 1. Адо этилиши зарур бўлган вазифа – 3,8,7,16.  
2. Қуритилган, данаксиз мева – 3,1,7,10,1,4.  
3. Ҳалқ достонлари ижодкори – 3,1,12,14,2.  
4. Темирчиликда ишлатиладиган асабоб – 6,1,5,9,17,5.  
5. Ҳамирли, миллий таом – 15,1,11,13,1.

Энди очқич сўзлар жавоблари асосида шакл атрофида ифодаланган иккимисрални ҳикмат ва шакл марказидаги рақамлардан унинг муаллифи бўлган мумтоз шоир номини билиб олинг.


Фозилжон ОРИПОВ тузди.

#### ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Доиранинг секторларида: 1. Кўёш. 2. Осиё. 3. Атом. 4. Соат. 5. Одоб. 6. Осим. 7. Турл. 8. Оҳак. 9. Обрў. 10. Дарс. 11. Стол. 12. Фишт. 13. Икро. 4. Ромб. 15. Ишо. 16. Тонг. 17. Ўзак. 18. Жума. 9. Оғма. 20. Хива. 21. Одим. 22. Синф. 23. Арча.

Қуқо чизиклар орасидаги ҳикмат: I. Уста. II. Бол. III. Газ. IV. Тўн. V. Олма. VI. Иззат.

Унда яширилган ҳалқ маколи: УСТА БЎЛСАНГ, УСТОЗИНГНИ УНУТМА.



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI HJV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir  
**Aziz ERNAZAROV**

|                                  |                             |
|----------------------------------|-----------------------------|
| Bosh muharrir o'rinosari         | Navbatchi Qobiljon SHOKIROV |
| Murod TILLAEV                    | Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV |
| Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV |                             |

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir o'rinosari 132-24-60.  
Kotibiyat 139-73-88.  
Muxbirlar 59-27-15.  
139-77-23.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 132-05-51.

E-mail:  
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.  
«Ipak yo'sli aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA  
2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN  
Buyurtma J-001674.

- Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
- Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.
- Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Hajmi – 6 bosma tabog.  
Bosilish – ofset usulida. 52127 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:  
Yukka tartibda – 180  
Tashkilotlar uchun – 366  
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.  
Bosishga topshirish vaqt – 23.00.  
Bosishga topshirildi – 23.00.

«O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonalar manzili:  
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.  
N – Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayorlandi.